БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 250 (1512) | 20 декабрь, якшанба, 1959 йил. | Баҳоси 20 тийин.

ХАЛҚ БОЙЛИГИНИ ТЕЖАБ САРФЛАЙЛИК!

Областимиз саноат корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитетининг рангли металларни тежаб сарф қилиш тўғрисидаги Мактубига амалий иш билан жавоб бермоқдалар.

Суратда: пойтахтимиздаги «Подъемник» заводининг бир группа ишчилари ва инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитетининг рангли металларни тежаб сарфлаш тўғрисидаги Мактубини муҳокама қилмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

МАКТАБЛАРНИ бир сменага ўтказайлик!

Бу ўқув йилидан областимиз мактаблари СССР Олий Советининг халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақидаги Қонунини амалга оширишга киришдилар. Ёш авлодни билимдон, меҳнатсевар, маданиятли кишилар қилиб тайёрлашдек олижаноб вазифани ўз олдига қўйган халқ маорифи органларига ва мактабларга ёрдам бериш, уларга ғамхўрлик қилиш ҳар бир совет кишисининг, ҳар бир корхона ва муассасанинг, маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотининг шарафли бурчидир.

Кейинги уч йил ичида областимиз район ва шаҳарларида колхозларнинг маблағларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 90 миллион сўмдан ортиқ пул сарфланиб, 77 мактаб қурилди. Мактаб-интернатлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Областимизда украиналик маорифчиларнинг ташаббуси кенг қўлланилиб, мактабларни бир сменага кўчириш юзасидан жамоатчилик ҳаракати қизиб кетди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети қабул қилган махсус қарорда мактабларни бир сменага кўчириш юзасидан қилинадиган ишлар батафсил кўрсатиб берилган.

Мактабларда машғулотларни бир сменага кўчириш натижасида ўқув-тарбия ишларининг сифати кўтарилади, ўқувчиларнинг билими пухта ва мустаҳкам бўлади, давомат ва ўзлаштириш кўрсаткичлари яхшиланади, мактабдан ташқари олиб бориладиган ишларга кенг йўл очилади, дарс жадвалларини пухта тузишга ва ундаги чигалликларни тугатишга имконият туғилади.

Масалан, Боёвут районидаги Карл Маркс номли колхоз территориясидаги ўрта мактабда илгари бошланғич синфларнинг ўқувчилари 2-сменада ўқишар, бу эса кўпгина қийинчиликларни туғдирарди. Кичик ёшдаги болалар қоронғига қолиб кетишар, дарсдан ташқари вақтлари тўғарак ва устахоналарда машғулотлар ўтказишга имконият тополмас эдилар. Бу вазият дарс жадвали тузишни ҳам қийинлаштириб юборган эди. Колхоз правлениеси бу қийинчиликларни тугатиш мақсадида мактабга қўшимча бино ва хоналар бериб, машғудотларни бир сменада олиб бориш учун ҳамма шароитларни яратиб берди. Бу тадбирнинг самаралари дарров сезилди. Давомат ва ўзлаштириш яхшиланди, турли меҳнат устахоналари, фан тўгаракларининг ишлари жонланди, ўқувчиларга ҳам, ўқитувчиларга ҳам, ота-оналарга ҳам кўпгина қулайликлар туғилди. Боёвут район партия комитети ўз бюро мажлисида, район Совети эса ўз сессиясида бу масалани муҳокама қилиб, райондаги ҳамма мактабларни бир сменага кўчириш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқди. Бу тадбирлар район жамоатчилигининг актив ёрдами билан амалга оширилди. Райондаги энг яхши бинолар халқ маорифи органлари ихтиёрига берилди. Тез орада район мактабларининг 90 проценти бир сменага ўтди.

Шунингдек, Сирдарё, Чиноз, Бўстонлиқ, Оққўрғон районларининг жамоатчилиги ҳам бу масалани партия ва совет ташкилотлари, корхона ва муассаса, колхоз ва совхозларининг вакиллари иштирокида муҳокама қилиб, мактабларни янги бино ва хоналар билан таъминладилар. Кейинги вақтларда областимиздаги колхозлар мактаблар учун 1500 дан ортиқ синф хонаси тайёрлаб бердилар. 550 дан ортиқ мактаб бир сменага ўтди.

Лекин областимиздаги ҳамма шаҳар ва районларда бу масалага жиддий эътибор берилаётир деб бўлмайди. Бекобод, Оржоникидзе, Пискент районларида мактабларни бир сменага кўчириш ҳаракати жуда суст бораётир. Бу районларнинг жамоатчилиги, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари, партия ва совет ташкилотлари мактабларга оталиқ қилиш юзасидан олинган мажбуриятнинг бажарилиши устидан етарли назорат қилмаётирлар, ўз ваъдаларини бажармаётирлар. Шунинг учун ҳам бу районларда жуда оз мактаб бир сменага кўчирилган. Кўчирилганлари ҳам стол-стул, парта ва доска сингари зарур жиҳозлар билан етарли таъминланмаган.

Мактабларни бир сменага кўчириш учун бино ва қўшимча хоналар ажратишнинг ўзи кифоя қилмайди, албатта. Уларни зарур инвентарлар билан таъминлаш ҳам керак. Ваҳоланки республика Маориф министрлиги мактабларни парта, доска сингари зарур нарсалар билан таъминламаётир. Область учун ҳали 50 мингга яқин парта ва доска керак бўлади. Бундай зарур инвентарларни тегишли корхоналарга заказ қилиш, Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарида тайёрлаш масаласи ҳалигача қониқарли ҳал қилинган эмас.

Мактабларни бир сменага кўчириш ишида айниқса партия, комсомол ташкилотлари, халқ маорифи органлари жонбозлик қилишлари керак. Комсомол ташкилотлари бу ишда ташаббускор бўлишлари лозим. Улар оталиқ ташкилотларининг мажбуриятлари қандай бажарилаётганлигини, парта ва доска сингари буюмларнинг тайёрланиши ва мактабларга ўз вақтида етказиб берилишини кузатиб туришлари зарур.

Ўзбекистон интеллигенциясининг яқинда бўлиб ўтган II съезди қатнашчилари томонидан КПСС Марказий Комитети номига ёзилган Мактубда айтилганидек, ҳозирги энг муҳим вазифаларимизнинг бири—шу ўқув йилининг ўзидаёқ ҳамма мактабларни бир сменага ўтказишдан иборатдир. Областимизнинг бутун жамоатчилиги ёрдами билан бу олижаноб вазифани муваффақиятли бажарайлик, халқ маорифи системасини қайта қуриш ва янада ривожлантириш ҳақидаги Қонунни тўла амалга ошириш учун астойдил курашайлик!

Ажойиб муваффақиятлар

Россия Федерациясининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга гўшт, сут, тухум ва жун сотиш планларини муддатидан илгари бажардилар. Бу йил давлатга 1 миллиард 643 миллион пуд ғалла сотилди. Республиканинг барча область, ўлка ва автоном республикалари давлатга гўшт сотиш йиллик планини муваффақиятли бажардилар.

РСФСР колхоз ва совхозлари маккажўхори, қанд лавлаги, сабзавот, картошка ва бошқа экинлар етиштиришни кўпайтиришда янги муваффақиятларга эришдилар.

Қозоғистон ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам давлатга гўшт, жун, қоракўл тери, тухум ва бошқа маҳсулотлар сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Қозоғистоннинг колхоз ва совхозлари 700 миллион пуд ғалла сотдилар, 11 ой ичида республиканинг колхоз ва совхозларидаги қора моллар сони 489 минг бош кўпайди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети РСФСР ҳамда Қозоғистон ССР нинг меҳнаткашларига юборган табрикларида уларни 1959 йилда эришилган янги муваффақиятлар билан қизғин қутлайдилар ҳамда янги ғалабаларга эришишларини тилайдилар.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев КПСС Свердловск область комитетининг биринчи секретари А. П. Кириленкога, Свердловск область ижроия комитетининг раиси К. К. Николаевга, областнинг барча меҳнаткашларига табрик юборди. Табрикда айтилгандики, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Свердловск областнинг барча меҳнаткашларини етти йилликнинг биринчи йилида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга топшириши кўпайтиришда эришган муваффақиятлари билан самимий табриклайдилар.

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, дейилади КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчевга юборилган рапортда, ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, етти йилликни гўшт етиштириш жиҳатидан 1961 йилда, сут ва тухум етиштириш жиҳатидан эса 1962 йилда бажаришни ўз олдиларига вазифа қилиб қўймоқдалар. (ТАСС).

Резервларни ишга солиб

Тошкентдаги Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводининг цех ва участкаларида КПСС Марказий Комитетининг халқ хўжалигида мис, қўрғошин ва бошқа рангли металларни тежаб сарф қилиш тўғрисидаги Мактуби зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Қуюв цехининг технологи Гаранкин, слесарь Булин ва мастер Вошченко ўртоқлар бронзадан қуйиладиган заготовкаларни тайёрлаш технологиясига ўзгартиш киритдилар. Илгарилари эритма тупроқдан қилинган қолипга қуйилар ва оқибатда деталь чертёжда кўрсатилганидан анча қўпол тайёрланарди. Механик ишлов берилганда бронзанинг 30 проценти қириндига чиқиб кетарди. Янгилик изловчиларнинг ташаббуси билан эндиликда бронза эритмаси аниқ қолипларга қуйилмоқда. Натижада заготовканинг қириндига чиқадиган қисми 10 баравар камайди. Биргина ана шу таклифнинг ўзи корхонага йилига 83 минг сўмлик маблағни тежаб қолиш имконини бераётир.

Айрим деталларни тайёрлашда рангли металлар ўрнига бошқа материаллардан фойдаланилмоқда. Жумладан, бронзадан тайёрланадиган деталларни қўрғошин аралаштирилган алюминдан тайёрлаш усули ўзлаштирилмоқда. Бронзанинг айрим маркалари эритилган пайтда ҳаво билан реакцияга қўшилиб, унинг 20 проценти йўқ бўлиб кетади. Ҳозирги кунда цех ишчилари ана шу беҳудага йўқ бўлиб кетадиган бронза миқдорини камайтириш учун бир қанча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Корхона коллективи рангли металларни тежаб-тергаб сарфлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, исрофгарчиликка қарши курашни кучайтириш натижасида шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 6345 килограмм қўрғошин, 6080 килограмм қалайи, 2500 килограмм мис ва бошқа металларни тежаб қолди.

Н. ТОЖИБОЕВ.

РЕПОРТАЖ

Ҳам сифатли, ҳам арзон

Заводнинг механика цехига кириб келганимизда, хонанинг ўртасидаги станок атрофини ўраб олган 8—10 чоғлик киши ўзаро алланарсалар ҳақида суҳбатлашар эди.

— Лойиҳа анча пухта ишланибди,—деди бош технолог Чичилникер лойиҳани қўздан кечирар экан. — Деталь қисмлари ҳам ўз ўрнига қўйилган. Мана шу втулканинг оғирлиги ярим килограмм келади. Бунақа втулкадан ҳар бир агрегат учун 16 таси ишлатилади. Энди-чи, энди аҳвол тамоман бошқача. Втулка ҳажми кичрайтирилгач, камида 40 процент чамаси бронза тежалади.

— Бунинг устига, — деди кимдир гапга аралашиб, — унинг ўрта қисмига бронза ишлатилмаса ҳам бўлади.

— Ҳамма гап ана шундада —сўзида давом этди Чичилникер втулкани қўлига олаётуриб. — Энди унинг ўрта қисмига бронза ишлатмай, бўш қолдириш мумкин.

— Бу, деталнинг чидамлилигига путур етказмайдими?

— Аслида бундай, — изоҳ берди бош конструктор Г. А. Ганустьянц, — втулканинг ўрта қисмининг бўш қолиши унинг чидамлилигини бироз камайтиради. Лекин мосламалар втулка ҳажмига тенг келадиган шаклда тайёрланса, ҳеч қандай зарар кўрилмайди, аксинча кўпга чидайди.

Конструкторлар грехрга ишлатиладиган втулка конструкциясига айрим ўзгартиришлар киритилганлигини айтишди.

— Бундай втулкаларнинг ҳар бирига 3—4 килограммдан юқори сортли бронза ишлатилади, — деди бош технолог, — лекин биз бронзадан рационал фойдаланиш усулини қўллаб, ҳар бир втулкадан камида 40 процент миқдорида бронза тежаб қолишга кўчамиз. Бу усулни қуюв цехида тайёрланаётган электротелефар деталининг конструкциясини ўзгартириш йўли билан амалга ошириш мумкин. Бу қулай усул юзасидан мастер А. Уразаев билан электромонтёр В. Фидотев оригинал таклиф киритишди.

Биз бу таклиф билан қизиқиб қолдик.

— Унчалик мураккаб эмас бу лойиҳа, — деди Уразаев камтарлик билан, — тўғри, аввал электротелефар деталига мис ҳам. қўрғошин ҳам аралаш ишлатаберилар эди. Лекин деталнинг чидамлилигини фақат латун ишлатиш билан ҳам сақлаб қолиш мумкинлиги тажрибада синаб кўрилди. Латунли деталь айни вақтда ҳам енгил, ҳам арзон экан. Шу туфайли ундан рационал фойдаланишга кўчмоқдамиз.

— Фақат мана шу таклиф туфайли корхонамиз йилига 2—3 тонна рангли металл тежаш имконига эга бўлади, — деди бош технолог фахр билан. — Бундай қарасак, заводимизда мавжуд ички имкониятлар кўп экан. КПСС Марказий Комитетининг халқ хўжалигида мис, никель, қалайи, қўрғошин ва бошқа рангли металларни тежаб сарф қилиш тўғрисида меҳнаткашларга қарата ёзган Мактубини ўқиб, бунга тўла ишонч ҳосил қилдик.

Тошкентдаги «Подъёмник» заводи рангли металларни тежаб сарфлаш йўли билан йилига неча тонналаб нодир металларни иқтисод қилади. Бизда бундай улкан корхоналар оз дейсизми. Тома-тома кўл бўлур деганларидек, ҳар бир корхонада рангли металлдан ўз ўрнида фойдаланилса, қанчаданқанча тонна рангли металл тежалади.

А. АЛИЕВ.

Рангли металларни тежайлик

Рангли металлар халқ хўжалигида муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам партиямиз рангли металлургия саноатини тез ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Лекин шунга қарамай, ҳали ҳам хўжалигимиз учун зарур бўлган рангли металларнинг айрим турлари етишмаётир. Бунинг устига кўпгина саноат тармоқларида хўжасизликка ва рангли металларнинг ўринсиз сарф қилинишига йўл қўйилмоқда. Рангли металларнинг ўрнини босадиган материаллари қидириб топиш ва улардан фойдаланиш соҳасида етарли иш олиб борилмаётир. Қимматбаҳо ва қазиб чиқарилиши қийин бўлган рангли металлардан тежаб-тергаб фойдаланмаслик, бошқа материаллардан тайёрлаш мумкин бўлган буюмларнинг ҳамон рангли металлардан ишлаб чиқарилиши халқ хўжалигига жуда қимматга тушмоқда.

КПСС Марказий Комитети бундай хўжасизликка хотима бериш мақсадида махсус Мактуб қабул қилди. Бу Мактуб бутун мамлакатимиздаги каби областимиз меҳнаткашлари томонидан ҳам зўр мамнуният билан кутиб олинди. Областдаги саноат корхоналарининг коллективлари рангли металларни тежаб-тергаб сарфлаш, уларни иқтисод қилиш, рангли металлардан ишлаб чиқариладиган айрим буюмларни бошқа материаллардан тайёрлаш соҳасида бирмунча ишлар қилдилар. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида юзларча тонна мис тежаб қолинди.

Бу соҳада «Ташкенткабель», электротехника ва «Таштекстильмаш» заводлари коллективлари бирмунча луруст натижаларни қўлга киритдилар. Электротехника заводида турли буюмлар тайёрлаш учун сарф қилинадиган рангли металлар ўрнига пластмассадан кенг фойдаланиш, «Таштекстильмаш» заводида қуйилмалар тайёрлашни янги прогрессив метод асосида олиб бориш натижасида кўплаб қимматбаҳо рангли металлар тежаб қолинди. Биргина «Ташкенткабель» заводида мис ўрнига арзон ва чидамли материал — алюминийлан кенг қўлланилиб, шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 1400 тонна мис иқтисод қилинди.

Аммо Тошкент Халқ хўжалиги кенгашига қарашли саноат корхоналарида рангли металларни иқтисод қилиш бўйича белгиланган топшириқлар жуда қониқарсиз бажарилмоқда. Рангли металларнинг айрим турларини ошиқча сарф қилиб юбориш ҳоллари ҳам содир бўлаётир. Халқ хўжалиги кенгаши ва унинг бошқармалари жойларда рангли металларни тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича белгиланган тадбирларнинг тўла-тўкис амалга оширилиши билан етарли шуғулланмаётирлар.

Бошқармалар корхоналарда тайёрланаётган ҳар бир буюм учун сарфланадиган рангли металларнинг миқдорини камайтириш бўйича тегишли тадбирларни суст амалга оширмоқдалар. Мис ва қўрғошинни бошқа корхоналарга нисбатан жуда кўп миқдорда ишлатувчи «Ташкенткабель» заводи (директори ўртоқ Сафонов, бош инженери Костиков ўртоқлар) бундай металларни тежаш бўйича белгиланган планни бажаришда баъзи камчиликларга йўл қўймоқда.

Планга асосан корхонада телеграф-блокировка ва контроль кабелларининг изоляциясини қўрғошин ўрнига пластмассадан ишлаб чиқариш назарда тутилган эди. Корхона эса шу йилнинг ўтган ойлари давомида бу тадбирни жорий қилмади. Бу ерда ҳали ҳам кабелларнинг изоляцияси қўрғошиндан қилинмоқда. Натижада қўрғошин белгиланганига нисбатан 820 тонна кўп сарфлаб юборилган.

Худди шундай аҳволни Чирчиқдаги электр машинасозлиги заводи мисолида ҳам кўриш мумкин. 1959 йилда корхона ишлаб чиқараётган пайвандлаш аппаратлари ва кучланиш трансформаторларининг обмоткаларини мис ўрнига алюминийдан ишлаш назарда тутилган эди. Буни амалга ошириш халқ хўжалиги учун фақатгина пайвандлаш аппаратлари бўйича 150 тоннадан кўпроқ мисни тежаб қолиш имконини берарди. Аммо завод раҳбарлари бу топшириқни шу вақтгача амалга оширишга киришганларича йўқ.

Кўпгина корхоналарда 1959 йил давомида мис, қўрғошин, бронза, жез ва бошқа шу каби рангли металларни сарфлаш нормалари белгиланмаган. Натижада бундай материалларни тежаш бўйича белгиланган топшириқлар мунтазам равишда бажарилмай келмоқда. Масалан, «Ўзбекхиммаш» заводида бронзани иқтисод қилиш топшириғи бажарилмаётир.

Машинасозлик корхоналарида рангли металлардан тайёрланган буюмларни ишлашда чиқиндиларни камайтириш учун етарли қураш олиб борилмаётир. Бунинг натижасида айрим корхоналарда рангли металларнинг чиқиндига чиқарилиши ҳатто ўтган йилдагига нисбатан ҳам кўпайиб кетди. Электротехника заводида худди шундай камчилик содир бўлаётир. Бу ерда рангли металл чиқиндиларини йиғиб олиш, сақлаш ва давлатга топшириш қоидаларига амал қилинмаётир. Жуда кўп металл ишлаш станоклари деталларни ишлаш вақтида чиқадиган чиқиндиларни солиш учун зарур қутичалар билан таъминланмаган. Рангли металл чиқиндилари уларнинг маркасига қараб, айрим-айрим ҳолда йиғиб олинмасдан бир-бирига аралаштириб юборилмоқда.

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, Совнархоз бошқармалари корхоналар бўйича рангли металл чиқиндиларини давлатга топшириш планини кўр-кўрона белгилайдилар. Машинасозлик саноати бошқармаси электротехника заводи учун 1959 йилда 693 тонна миқдорида рангли металл, шу жумладан 498 тонна жез чиқиндиларини топшириш планини белгиланган. Завод эса бир йил давомида ҳаммаси бўлиб 420 тонна жез истеъмол қилади. Худди шундай реал бўлмаган планлар «Ташкенткабель», «Ўзбекхиммаш», Чирчиқдаги электромаш заводлари ва бошқа корхоналар учун ҳам белгиланган.

Рангли металларни тежаб-тергаб сарфлаш ва уларни кўплаб иқтисод қилиш учун барча шарт-шароитлар бор. Бунинг учун барча саноат корхоналари, транспорт ва қурилишларнинг партия ташкилотлари ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар ўртасида рангли металларни бутун чоралар билан тежаш тўғрисида оммавий тушунтириш ишларини кенг миқёсда кучайтиришлари, кўргазмали агитацияни уюштиришлари лозим. Рангли металларни тежаш натижасида қўшимча равишда қандай моддий ресурслар олажагимизни, шунингдек бу металлардан хўжасизларча фойдаланиш мамлакатга қандай зарар етказажагини меҳнаткашларга доим эслатиб туриш керак.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши рангли металлардан фойдаланишда йўл қўйилиб келинаётган жиддий камчиликларни тезда бартараф қилишга, металларнинг анча тежалишини таъминлашга ёрдам беради.

В. ГУСЕВ,
Тошкент область партия комитети саноат ва транспорт бўлимининг инструктори.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ССР ИТТИФОҚИ ДАВЛАТ ХАЛҚ РАҚСИ АНСАМБЛИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг пойтахти Тошкент шаҳридаги муваффақиятли гастроллари учун СССР Давлат халқ рақси ансамбли Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари И. БАБКОВ.

1959 йил 19 декабрь. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОВЕТ АРМИЯСИНИНГ ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ А. В. АЛЕКСАНДРОВ НОМИДАГИ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада муваффақиятли гастроллари муносабати билан Совет Армиясининг Қизил Байроқли А. В. Александров номидаги ашула ва рақс ансамбли Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари И. БАБКОВ.

1959 йил 19 декабрь. Тошкент шаҳри.

Ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун

ТОШКЕНТ ЖАМОАТЧИЛИГИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун, «совуқ уруш»ни тугатиш учун курашаётган тинчлик тарафдорлари жаҳон ҳаракати билан бирдам эканликларини изҳор қилмоқ учун 18 декабрда тўқимачиларнинг Маданият саройига тўпландилар. Бу йиғилишни тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон республика комитети, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти ҳамда Ўзбекистон касаба союзлари совети ташкил қилди.

Тинчликни ҳимоя қилиш республика комитетининг раиси С. Н. Нуритдинов қисқача кириш сўзи билан йиғилишни очди.

Йиғилишда В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетининг ректори О. С. Содиқов, И. В. Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати иккинчи фабрикасининг бригадири О. В. Кескла, Қаҳрамон она М. Ғуломова, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг секретари Асқад Мухтор, Ўрта Осиё давлат университетининг студенти К. Мирзажонова, Тошкент электр лампа заводининг монтажчиси А. Латипова нутқ сўзладилар.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг аъзоси, СССР халқ артисти И. А. Моисеев йиғилишда тинчлик тарафдорларининг жаҳон ҳаракати тўғрисида ахборот берди.

Йиғилиш қатнашчилари қабул қилинган резолюцияда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг фаолиятини якдиллик билан маъқулладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари ва интеллигентларининг катта бир группаси халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида актив иш олиб борганликлари учун Жаҳон Тинчлик Кенгаши ва тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланганлиги эълон қилинди.

И. А. Моисеев Жаҳон Тинчлик Кенгаши ва Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетининг топшириғига мувофиқ, ҳамманинг гулдурос қарсаклари остида мукофотланганларга фахрий ёрлиқлар топширди.

Йиғилиш қатнашчилари учун концерт қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Олий Советини чақириш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

СССР бешинчи чақириқ Олий Советининг тўртинчи сессияси 1960 йил 14 январда Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1959 йил 18 декабрь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон Рассомлар союзининг рассоми Ўзбекистон ССР халқ рассоми Виктор Иванович **Уфимцев** туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан, кўп йиллик ижодий фаолияти учун, Тошкент давлат медицина институтининг кафедраси мудири Лев Доминикович **Василенко** туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан, кўп йиллик врачлик, илмий-педагогик ва ижтимоий фаолияти учун, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг аъзоси ёзувчи Михаил Иванович **Шевердин** туғилган кунига 60 йил тўлганлиги муносабати билан ва кўп йиллик адабий-ижодий фаолияти учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

Техникани тинмай тараққий эттирайлик

(ЧИРЧИҚ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

Партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми тарихий қарорларини амалга ошира бориб, шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари етти йилликнинг биринчи йилини қувончли кўрсаткичлар билан якунлямоқдалар. Шаҳар бўйича 11 ойда қўшимча равишда 36 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,8 процент оширилди. Чирчиқ электростанциялар каскади, «Чирчиксельмаш», «Электромаш» заводлари ва Юмалоқ бинокорлик материаллари комбинати коллективлари шу кунларда 1960 йил ҳисобига ишламоқдалар.

Шаҳар саноатчилари меҳнат унумдорлигини 13,4 процент оширишга ва кўплаб давлат маблағларини тежаб қолишга эришдилар.

Шаҳар партия конференциясида ҳисобот доклади қилган шаҳар партия комитетининг секретари И. М. Савин ва сўзга чиққан делегатлар қўлга киритилган бу ютуқларни мамнуният билан қайд қилдилар. Шу билан бирга улар, хўжалик ва маданий қурилишга партиявий раҳбарлик қилиш сохасида йўл қўйилган камчиликларни танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташладилар.

Озиқ-овқат комбинати, «Чирчикторг» корхоналари ва гўшт комбинати 11 ойлик планни бажармади. Шаҳар корхоналарида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш юзасидан белгиланган 176 ташкилий-техникавий тадбирдан 56 таси амалга оширилмади. Юмалоқ комбинатида белгиланган 34 муҳим ташкилий-техникавий тадбирнинг атиги 2 таси бажарилди. Шаҳар партия комитети ва мазкур корхоналарнинг партия ва хўжалик раҳбарлари белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун қатъиятлик билан курашганларида юқоридаги камчиликлар юз бермаслиги турган гап эди.

«Чирчиксельмаш» заводи партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Мусин сўзга чиқиб, завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари етти йилликнинг биринчи йилида эришган ғалабалари тўғрисида ва бу ғалабаларни қўлга киритиш юзасидан амалга оширилган тадбирлар ҳақида сўзлаб берди. Бу коллектив йил охиригача пландан ташқари 11 миллион сўмлик машина ва запас қисмлар етказиш учун курашмоқда.

Ўртоқ Мусин Тошкентдаги машинасозлик билан алоқадор бўлган институт ва илмий текшириш муассасалари Чирчиқ корхоналари билан алоқа қилмаётганликларини, машинасозларга ёрдам бермаётганликларини айтди.

— Корхонамиз коллективи, — деди «Узбекхиммаш» заводи партия комитетининг секретари Давидов, — ўтган 11 ойда меҳнат унумдорлигини 1958 йилдагига нисбатан 18 процент оширишга ва 16 миллион сўмлик хомашё ва материаллар тежаб қолишга эришди. Лекин фойдаланилмаётган резерв ва имкониятларимиз битмас-туганмасдир. Қуюв ва темирчилик цехларимизда қўл меҳнати ҳали ҳам кўп ишлатилади. Айниқса, қурувчиларнинг заводимизни реконструкция қилиш ишини чўзиб юбораётганликлари ишимиз суръатига жиддий таъсир қилаётир. Улар йил бошидан бери 8 объектдан фақат биттасини битказдилар, қолганларида ишлар ўлда-жўлда бўлиб ётибди. Шаҳар партия комитети ва «Средазгидроэнергострой» трести муҳим саноат объектлари қурилиши ва реконструкциясини тезлатиш юзасидан қатъий чоралар кўрмаётганлар.

Конференцияда шаҳар ижроия комитети, 160-қурилиш трести ва «Чирчикхимстрой» раҳбарлари қаттиқ танқид қилинди. Бинокорлар кўпинча батамом битмаган объектларни фойдаланишга топширадилар, қурилиш сифати паст ва қиммати баланд.

— Бўзсувнинг чап томонида жойлашган посёлкада бир неча минг аҳоли яшайди, — деди электрокимё комбинатининг монтёри делегат Нурмуҳамедов, — лекин бу шаҳарча электрлаштирилмаган, йўллар ниҳоятда ёмон, зарур маданий-маиший объектлар етишмайди. Аллақачон одамлар кўчиб кирган кўпқаватли уйларга ҳануз электр симлари ўтказилмаган, водопровод келтирилмаган.

Шаҳар ижроия комитетининг раиси Ёқубов сўзга чиқиб, ижроком адресига қилинган танқидларни эътироф этди ва камчиликлар тезда бартараф қилинади деб, конференция қатнашчиларини ишонтирди. Шу билан бирга Ўртоқ Ёқубов айтдики, планлаштирувчи ташкилотлар коммунал ва маданий-маиший қурилишга маблағ ажратишда жиддий хатоликларга йўл қўймоқдалар. Улар қуриладиган уйга маблағ ажратадилар-у, лекин водопровод, канализация, йўл қурилишига маблағ ажратмайдилар.

* * *

Шаҳар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда И. М. Савин, Н. Сайдалиев ва С. Каримова Ўртоқлар шаҳар партия комитетининг секретарлари қилиб сайландилар.

В. ПОПОВ.

Комплекс механизация—мўл ҳосил гарови

(СИРДАРЁ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

Бу йил район пахтакорлари механизациядан мамнун бўлишди. Барча экин майдонининг 90 процентига чигит квадрат-уялаб экилгани туфайли 10 минг гектардан ортиқ ердаги ғўзага кетмонсиз ишлов берилди. Натижа чакки бўлмади. Меҳнат кунлари мўлжалдагидан анча кам сарфланиб, мўл ҳосил етиштирилди. Пахта териш машиналаридан унумли фойдаланилиб, етиштирилган 62 минг тонна пахтанинг 10 минг тонносига яқини машиналарда териб олинди.

Конференция делегатларининг таъкидлашича, комплекс механизациялаштирилган далачилик бригадаларининг ташкил этилиши пахтадан мўл ҳосил етиштиришдаги муҳим омиллардан бири бўлди. Бундай бригадаларнинг деярлик ҳаммаси гектарига ҳосил етиштиришни анча кўпайтирдилар. Райондаги оддий пахтачилик бригадаларида ҳар бир кишининг етиштирган пахтаси 5 тоннага тўғри келган бўлса, Ильич номли, Ленин номли, «Малик» тажриба хўжалигидаги трактор-далачилик бригадаларида 14—15 тоннаданга тўғри келди.

Ленин номли колхознинг ўртоқ Н. Лукашев бошлиқ трактор-далачилик бригадасида ҳар гектар ердан 37 центнердан ҳосил етиштирилди, пахтанинг таннархи анча камайди. Бир центнер пахта етиштириш учун 89 сўм сарфланди. Шу колхознинг ўртоқ Х. Норматов бошлиқ оддий пахтачилик бригадасида эса якун бошқача бўлди. Бу бригада ҳар гектар ердан 29,8 ўрнига 26,3 центнердан ҳосил олди, етиштирилган бир центнер пахта 129 сўмга тушди. Бунинг сабаби шундаки, бригадада қатор ораларини ишлаш ва ҳосилни йиғиштириб олишда механизациядан тўғри фойдаланилмади.

Конференцияда механизацияга менсимай қараётган колхозларнинг иши танқид қилинди. «Ҳақиқат», Охунбобоев номли, «Қизил октябрь» колхозларида трактор-далачилик бригадаларини ташкил қилишга жиддий аҳамият берилмади, квадрат-уялаб экиш ва машинада пахта териш плани бажарилмади. Бу, ишчи кучини кўп сарфлашга олиб келди, етиштирилган маҳсулотнинг таннархини анча қимматлаштириб юборди. Район партия комитети эса механизациянинг афзаллигига етарли баҳо бермаётган колхоз раисларининг хатосини ўз вақтида тузатмади. Натижада колхозлар сектори бўйича йиллик пахта тайёрлаш ва уни машинада териш плани бажарилмай қолди.

Ильич номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Митанов, «Социализм» совхозининг бўлим бошлиғи Есергапов ўртоқлар далачилик бригадаларини комплекс механизациялаштирган тақдирда етиштириладиган ҳосилга сарфланадиган меҳнат кунларининг 50 процентини тежаш мумкин эканлиги ҳақида гапирдилар.

«Малик» тажриба хўжалиги пахтачиликни комплекс механизациялашда катта ютуқларни қўлга киритди. Лекин бу хўжаликнинг тажрибаси кенг оммалаштирилмаётир. Район қишлоқ хўжалик инспекцияси эса бу масалада ҳамон бетарафлик позициясида турибди.

Сўзга чиққан делегатлар «Главголодностепстрой» бошқармасининг иш услубини қаттиқ танқид қилдилар. Бу бошқарманинг жуда кўп трест ва бўлимлари бор. Аммо улар колхоз, совхозлар ҳаётидан ажралиб қолганлар. Бошқарма шўр ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренаж шохобчалари қуриш, янги ерлар ўзлаштиришда ёмон ишламоқда.

Карл Маркс номли колхоз раиси Султонов сўзга чиқиб, умумий гаплар айтиш билангина чекланди ва бу хўжалик нима учун пахта тайёрлаш планини бажармаганлиги ҳақида ҳеч нима демади.

Конференция делегатлари ҳар бир колхоз ва совхоз механизациядан қандай фойдаланганлигини атрофлича анализ қилдилар. Бу соҳада жиддий хатоларга йўл қўйган хўжалик раҳбарларини қаттиқ танқид қилдилар.

Конференцияда шу нарса маълум бўлдики, район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари хотин-қизларни тарбиялаш ва уларни раҳбарлик ўринларига кўтариш билан системали шуғулланмай қўйганлар.

* * *

Район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум райком секретарлари қилиб И. Каримов, Н. Зуев ва М. Ҳайдарова ўртоқларни сайлади.

М. ҒОЗИЕВ.

Танқид ва ўз-ўзини танқид шиори остида

(ОРЖОНИКИДЗЕ ВА ҚОРАСУВ РАЙОНИ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДАН)

Район партия конференцияси хўжаликнинг ҳамма тармоқларини комплекс ривожлантириш шиори остида ўтди. Оржоникидзе ва Қорасув районларининг бирлаштирилганлиги ҳақидаги хабарни гулдурос қарсаклар билан кутиб олган делегатлар, бу тадбир район хўжалиги ва маданиятини янада юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлади, деган фикрни билдирдилар.

Оржоникидзе ва Қорасув район партия комитетларининг 1959 йилда қилинган ишлар ҳақидаги ҳисоботидан шу нарса аниқ кўриниб турибдики, партия ташкилотлари меҳнаткашларни етти йилликнинг биринчи йили вазифаларини тўла бажаришга сафарбар қилаолганлар. Натижада саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилган. Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш анча яхшиланган.

Ҳар иккала район саноат корхоналари 11 ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Чорвачилик сохасида ҳам кўзга кўринарли ютуқларга эришилди. Оржоникидзе район пахтакорлари ҳар гектар ердан 34,4 центнердан пахта йиғиб олдилар. Куда кўп бригадаларда гектар бошига 45—50 центнердан «оқ олтин» йиғирланди.

Шуни ҳам айтиш керакки, 1956 йилда районда ҳар гектар ердан 38 центнердан ортиқроқ ҳосил олинган эди. Демак, бу йил ҳосилдорлик 1956 йилга нисбатан бир мунча камайиб кетди. Бунинг сабаби шуки, бир қатор хўжаликлар 1958 йилда қўлга киритилган натижаларга қараб иш юритдилар. Бунинг устига механизациядан етарли фойдаланилмади. Айниқса, машина теримига кам эътибор берилди. Район бўйича етиштирилган ҳосилнинг фақат 6 проценти машинада йиғиб олинган.

Конференцияда чорвачилик сохасидаги ютуқ ва камчиликлар тўғрисида анча фикрлар баён қилинди.

— Бу йил чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришда каттагина ютуқлар қўлга киритилди, — деди чорвачилик илмий-текшириш институтининг директори Ўртоқ Ершова, — бироқ бу—ишнинг бошланишигина. Биз шунга эришишимиз керакки, гўшт, сут, тухум, жун каби маҳсулотлар ҳам мўл, ҳам арзон бўлсин. Бунинг учун чорва моллари ва паррандаларнинг насилдорлигини яхшилаш керак. Афсуски, районда бу муҳим ишга етарли эътибор берилмаётир.

Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг директори Ўртоқ Висодский районда дуккаклик экинларнинг жуда кам экилаётгани ҳақида гапирди. Кейин Ўртоқ Висодский боғдорчилик соҳасидаги ишларимиз ҳали талабга тўла жавоб бермаётгани, кўп хўжаликларда мевали дарахтларнинг сермева, хуштам навлари кўпайтирилмаётгани ҳақида гапирди.

Музокараларда сўзлаган делегатларнинг бир қисми ҳар икки районда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш соҳасида жиддий нуқсонлар борлигини қайд қилдилар. Айрим ҳолларда пахтачиликдан мутлақо хабари бўлмаган кишиларнинг пахтачилик бригадаси бошлиғи қилиб тайинланаётгани, бошқа соҳаларда ҳам ана шундай таваккалига иш кўрилаётгани, оқибатда баъзи бир участкалар қолоқ бўлиб қолаётгани шу кунинг чақириқларига мутлақо нолойиқ бир ҳол деб кўрсатдилар.

Сабзавотчиликда техникадан унумли фойдаланиб, маҳсулот таннархини камайтириш хусусида ҳам жиддий гаплар бўлди. Бу масала юзасидан сўзлаган делегатлар «XXI партсъезд» совхозининг илғор бригада бошлиғи Ўртоқ Муҳитдин Насриддинов ташаббуси сабзавотчи хўжаликларда оммалаштирилмаётганини танқид қилдилар.

* * *

Район партия комитетининг пленуми бўлиб, Қ. Маҳкамова, И. Срибний ва М. Қосимов Ўртоқлар райком секретарлари қилиб сайландилар.

С. СУЛТОНОВ.

Совет Ўзбекистонида

ЎзТАГ мухбирлари хабар қиладилар

ЎРТАЧА ДАРОМАД 8 МИЛЛИОН СЎМ

АНДИЖОН. Область хўжаликлари бу йил катта даромад олдилар. Бунга ҳосилнинг яхши бўлганлиги, машиналарни кенг қўлланиш ҳисобидан маҳсулот единицаси учун бўладиган харажатларни камайтириш, қишлоқ хўжалик хом ашёсининг сифатини ошириш натижасида эришилди.

Область колхозлари бу йил 1 миллиард 300 миллион сўмдан ортиқ даромад олдилар. Шундай қилиб, ҳар бир хўжаликнинг ўртача даромади саккиз миллион сўмни ташкил этади. Бу, ҳамма йиллар мобайнида рекордли даромад ҳисобланади.

Колхоз ва совхозларнинг экономикаси мустаҳкамлиги билан пахтакорларнинг шахсий даромадлари ҳам ғоят ортди. Дастлабки маълумотларга қараганда, бу йил ҳар бир оиланинг ўртача даромади 1953 йилдаги 12 минг сўм ўрнига 19 минг сўмни ташкил этади.

АТЕИСТЛАРНИНГ ҚИШЛОҚ КЛУБЛАРИ

НАМАНГАН. Уйчи районидаги марказида атеистлар клуби ташкил этилди. Партия ва совет ходимлари, мактабларнинг ўқитувчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари клубнинг активлари ҳисобланади. Клубда фаннинг дингга қарши курашини ҳикоя қилувчи виставка жиҳозланди.

Норин ва Тўрақўрғон район марказларида ҳам ана шундай клублар очилди. Бу клублар атеист лекторлар тайёрлаш ишларини амалга оширмоқдалар, маҳаллий аҳоли ўртасида динга қарши кенг пропаганда олиб бормоқдалар.

ЯНГИ УН ТОРТИШ КОРХОНАЛАРИ

НУКУС. Тўрткўл шаҳрида район тегирмони ишга тушди. Қипчоқ ва Бирунийда ана шундай ун тортиш корхоналари қурилиб бўлмоқда. Бу корхоналар учун ускуналар Венгрия Халқ Республикасидан келтирилди.

Нукус пневматик тегирмони ишга бошлаш арафасида турибди. Бу тегирмон Қорақалпоғистондаги ун тортиш корхоналари ўртасида энг йирик тегирмон бўлади. У автоном республиканинг шимолий районларини ун билан таъминлайди.

Қорақалпоғистонда ун тортиш корхоналарининг қуввати сўнгги бир ярим йил ичида беш баравар ортди. Эндиликда бу ерга Ўзбекистоннинг бошқа областларидан ун келтириш эҳтиёжи қолмади.

70 МИНГ ГЕКТАР ЕР КЕТМОНСИЗ ИШЛАНАДИ

ТЕРМИЗ. Сурхондарё областининг пахтакорлари КПСС Марказий Комитетининг Пленумини ишлаб чиқариш соҳасида катта ютуқлар билан кутиб олаётирлар.

Шўрчи районидаги Калинин номли колхозда КПСС аъзоси Тоғай Абсаматов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси Ўзбекистонда пахтачиликни комплекс механизациялаш ҳаракатининг ташкилотчиларидан бири бўлиб, 150 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олди. Бригаданинг ҳар бир аъзоси ҳисобига 12 тоннадан пахта етиштирилди, бу миқдор республика колхозларида ўрта ҳисоб билан етиштирилган пахта миқдоридан уч баравар кўпдир. Бир центнер пахтанинг таннархи 114 сўмни ташкил этди.

Денов районидаги Калинин номли колхозда Валентин Тюпко методи билан ишлаган Назиртой Тўраевнинг комсомол ёшлар звеноси 60 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта топширди ва бир киши ҳисобига етиштириладиган пахта миқдорини 30 тоннагача етказди.

Сурхоб водисидаги колхоз ва совхозлар комплекс механизациялашнинг афзалликларини амалда кўриб, комплекс механизациялашни кенгайтирмоқдалар. Меҳнаткашлар депутатлари область Советининг сессиясида 1960 йилги халқ хўжалик плани тасдиқланди. Бу планда кетмонсиз ишланадиган пахта майдонини 70 минг гектаргача кўпайтириш машинада териб олинадиган пахта миқдорини қариб икки баравар ошириш, ҳамма далачилик бригадаларининг 80 процентини комплекс механизациялашган бригадаларга айлантириш кўзда тутилади.

Қашқадарё область Чироқчи районидаги «Коммуна» колхози партия ташкилоти агитаторлар билан мунтазам иш олиб бораётир. Суратда: партбюро секретари Назар Хуррамов (чапдан иккинчи) бир группа агитаторлар билан суҳбат ўтказмоқда.

ЕТТИ ЙИЛЛИК БЕШ ЙИЛДА БАЖАРИЛАДИ!

ҚАРШИ. Қашқадарё областининг колхозлари бу йил уй-жой, маданий-маиший ва ишлаб чиқариш бинолари қурилиши учун 65 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфладилар.

Бир ярим мингдан ортиқ колхозчи оиласи янги обод уйларга кўчиб ўтди. Колхозларнинг бўлинмас фондлари ҳисобидан юзларча уйлар қурилди ва уй ҳақини бир неча йил давомида тўлаш шарти билан колхозчиларга берилди. Колхозчиларнинг маблағи билан қурилган ўнларча мактаб, электростанция, фельдшерлик-акушерлик пунктлари, меҳмонхона, ошхона, қишлоқ магазинлари, клублар, ёзлик кинотеатрлар ва юзларча ишлаб чиқариш бинолари фойдаланиш учун топширилди.

Колхоз қурилиши етти йиллик планини беш йил ичида бажаришга қарор қилинди.

УЧ МИЛЛИОН КИЛОВАТТ-СОАТ ЭНЕРГИЯ

ФАРҒОНА. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида оригинал техника янгилиги пайдо бўлди — фотоэлектрон аппарати ўрнатилди. Бу аппарат ташқи ёритишни автомат суратда ёндиради ва ўчиради. Унинг автори контрольўлчов приборлари цехининг монтёри Ўртоқ Ковзевдир.

Фотоэлектрон автомат — кўпгина янгиликларнинг биридир. Корхона новаторлари ана шуларнинг ёрдами билан КПСС Марказий Комитетининг электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш тўғрисидаги мурожаатини амалда турмушга татбиқ қилмоқдалар. Энергетик Ўртоқ Хрулов ва цех мастери Ўртоқ Третьяковнинг таклифига кўра корхонани сув билан таъминлаш схемаси такомиллаштирилди. Бу тадбир бир йилда бир миллион киловатт-соатга яқин электр энергиясини тежашга имконини берди.

Завод рационализаторлари топширган таклифларнинг амалга оширилиши натижасида ҳозиргача уч миллион киловатт-соатдан ортиқ электр энергияси тежалди.

Бухоро, Свердлов районидаги «Коммунизм» колхози бу йил 1800 гектар ердан 30 центнердан ҳосил кўтарган эди. Колхоз аъзолари келгуси йилда ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Суратда: колхозда шудгорлаш пайти.

Ш. Мўминов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЎҚУВ ЮРТИНИНГ ЁРДАМИ

САМАРҚАНД. Область колхозларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалик институтининг олимлари томонидан таклиф этилган илмий-ишлаб чиқариш семинарлари қилинди.

Доцент Е. П. Гореков ва старший ўқитувчи Я. Х. Горенберг Жиззах, Каттақўрғон, Оқдарё ва бошқа бир қанча районлардаги пахтакор колхозларда «Пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси» деган темада лекциялар ўқидилар. Доцент Е. И. Столипин пахта етиштиришда қўлланиладиган ўғитлаш системаси тўғрисида пахтакорлар ўртасида лекциялар ўқиди.

Далаларнинг меҳнаткашлари КПСС XXI съезди томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун курашда олимларни ўзларининг маслаҳатчилари деб ҳисоблайдилар. Мингларча бригада бошлиқлари, агрономлар ва зоотехниклар олий ўқув юртининг ўқитувчиларидан мунтазам суратда зарур консультациялар олиб турадилар.

Андижон. Ёғ-мой комбинатида бир суткада 40 тонна совун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги цех қурилиши тугаллапай деб қолди. Суратда: монтажчи слесарь Ўртоқ И. Семенов янги аппаратни монтаж қилаётир. У смена топшириқларини доимо 200 процентдан ошириб бажармоқда.

Пиллачилик масалалари юзасидан республика кенгаши

Тошкентда пиллачилик ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри Ж. Хоназаровнинг докладини тингладилар. Докладда ўтган йилда қилинган ишларга якун ясалиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарори асосида пиллачиликни янада ривожлантириш тадбирлари белгиланди.

Докладда ва музокараларда Ўзбекистон пиллачилари бу йил КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми шарафига муносиб совга тайёрлаб, ишлаб чиқариш соҳасида янги муваффақиятларни қўлга киритганликлари таъкидлаб ўтилди. Давлатга пилла топшириш плани ошириб бажарилди. Тайёрлов пунктларига 14.480 тонна ёки топшириқда белгиланганидан 180 тонна кўп пилла топширилди. Бу рақам ўтган йилдагидан 380 тонна ва 1953 йилдагидан 1092 тонна кўпдир. Совет халқи Ўзбекистонда пилла ялпи ҳосилининг кўпайтирилганлиги ҳисобига бу йил 1953 йилдагига нисбатан 1 миллион 200 минг метр кўп шойи ғазламалари олади.

Кенгаш қатнашчилари республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари номидан етти йиллик планни муддатидан илгари бажаришни кўзда тутадиган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. 1960 йилда Ватанимизга 14.600 тонна пилла ёки давлат планида кўзда тутилганидан 300 тонна кўп пилла топширишга қарор қилинди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси О. А. Алимов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Б. Муҳаммаджонов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Тўқимачилик комбинатида

«АГИТАТОР КУНДАЛИГИ»

Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитети агитация ва пропаганда ишларини янада жонлантириш мақсадида фабрика ва цехларнинг агитаторлари учун қўлланма тарзида «Агитатор кундалиги» номли брошюра нашр этишга қарор қилди. Биринчи марта босиб чиқарилган брошюрада кейинги ойларда ўтказилиши зарур бўлган суҳбат ва лекцияларнинг темалари, адабиётлар рўйхати бор. Қўлланмада Н. С. Хрушчевнинг БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан туриб сўзлаган тарихий нутқи ҳамда унинг Америка сафарига кенг ўрин берилган.

ИШЧИЛАР — ИНСТИТУТ СТУДЕНТЛАРИ

Тошкент тўқимачилик институтининг кечки курсларида комбинатнинг 175 га яқин ишчи-ёшлари маълумотини оширмоқда. Йигирувчи Дилбар Тўхтаснова, съёмчи Галина Селёзнова, тўқувчи Галина Бикова каби ёш ишчилар меҳнатни ўқиш билан мустаҳкам боғлаб олиб бормоқдалар.

Бу йил ишлаб чиқаришдан ажралмай ўқиган йигирмага яқин ишчи инженерлик дипломини олади.

Б. Абдуллаев.

РЕДАКЦИЯГА жавоб қиладилар

„Кино хизмати яхшилансин“

Сирдарё районидаги Куйбишев номли колхозда кино хизмати яхши йўлга қўйилмагани, колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти бу ишга эътиборсизлик билан қараётганликлари тўғрисида редакцияга келган танқидий хабар текшириш учун Ўзбекистон КП Сирдарё район комитетига юборилган эди.

Район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ўртоқ А. Иброҳимовнинг редакцияга маълум қилишича, хабарда келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланган. Бошланғич партия ташкилотига колхозчиларга кино хизматини яхшилаш, участка ва бригадаларда ҳафтада камида бир марта кинофильм кўрсатиб туриш тўғрисида кўргазма берилган.

Тадбирлар белгиланди

Редакциямизга келган хатларнинг бирида Октябрь районида жойлашган 1- шаҳар болалар касалхонаси ходимларининг узоқ участкаларда яшовчи оилалар болаларига медицина хизмати кўрсатишда йўл қўйётган камчиликлари танқид қилинган эди.

Район соғлиқни сақлаш бўлими мудири Муротовнинг редакцияга маълум қилишича, хабарда келтирилган фактлар текширишда асосан тасдиқланган. Текшириш натижалари касалхона ходимларининг умумий йиғилишида муҳокама қилинган.

Узоқ участкаларда яшовчи оила болаларига хизмат кўрсатиш ишини яхшилаш юзасидан зарур амалий тадбирлар белгиланган. Чунончи, хизмат кўрсатиш участкалари қайта кўриб чиқилган, Литвинов номли маҳаллада янгидан бир медицина участкаси ташкил қилинган.

Бўш келмаймиз

Йўлнинг ўнг томонидаги майдонларда ҳайдов тракторлари далани барадла янгратиб, ғўзапоялардан тозаланган ерларни сифатли шудгор қилаяпти. Сўл томонда колхозчилар қолган ҳосилнинг сўнгги граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-теріб олиш учун курашмоқдалар. Нарироқда эса бир тўда колхозчи ғўзапоя юлиш билан банд. Хуллас қайси томонга қараманг, меҳнат жўш ураётганини кўрасиз.

Биз колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Ғофир Қодиров бошлиқ бригадасидамиз. Бу ерда ҳам иш қизғин. Икки азамат кўсак чувиш машинасида сўнгги кўсакларни чувимоқда. 3-4 колхозчи қуритилган пахталарни пешма-пеш пахта пунктларига жўнатиб турибди. Рўпарадаги карта шудгорланаяпти.

Бригада далаларини айландик. Ҳақиқатдан ҳам меҳнат авжида. Мавсумда 15-18 тоннадан «оқ олтин» териб топширган Нишон Илҳомова, Карима Муслимова, Насиба Эркабоева, Халима Илҳомова каби чевар теримчилар қишки дала ишларини амалга оширишда бошқаларга ўрнак кўрсатиб ишламоқдалар.

Қўшни Алмат Шерматов бригадасида ҳам иш жадал бораяпти. 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил топширган азамат пахтакорлар келгуси йил мўл ҳосили учун ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Ғофир ака бригадаси келгуси йилда ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 55 центнерга, Алмат Шерматов бригадаси 50 центнерга етказамиз, деб айтмоқдалар.

Ленин номли колхоз пахтакорлари бу йил 760 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил йиғиб олиб, пландаги 2675 тонна ўрнига 2899 тонна пахта сотдилар. Давлатга топширилган пахтанинг 90 процентдан кўпи биринчи сортга топширилди. Ўтган йилдагига нисбатан гектар бошига 9 центнердан кўп ҳосил олинди.

— Бу муваффақиятларга механизациядан унумли фойдаланганлигимиз, кузги шудгорни сифатли қилиб ўтказганлигимиз туфайли эришдик, — дейди колхоз раиси Ўртоқ Раҳимберди Эгамбердиев.

Ҳозир далаларда 7 та ҳайдов трактори, 6 та универсал тўхтовсиз ишлаб турипти. Шудгорлаш ишларининг икки сменада ташкил этилганлиги, айниқса яхши натижа бераётир.

Илғор механизаторлардан Тўхтамурод Оқназаров, Шамши Қорахўжаев, Исмат Собиров ва Тўхтамурод Холмуродовлар социалистик мусобақада олдинда бормоқдалар. Уларнинг ҳар бири «С — 80» ва «ДТ—54» ҳайдов тракторларини моҳирлик билан бошқариб, бир кунда 11 — 12 гектардан ерни ўгитлаб, 25 — 30 сантиметр чуқурликда шудгорламоқда.

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз пахтакорлари кузги-қишки ишларни ана шундай уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Улар шудгорлаш ва бошқа дала ишларини муддатидан олдин тугатиб, келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин ҳозирламоқдалар.

Колхоз меҳнатсеварлари улуғ етти йилликнинг иккинчи йилида ҳам бўш келмаймиз, ҳар гектар майдондан 42 центнердан пахта берамиз, деб айтмоқдалар.

Асад ҲАКИМОВ.

Илғор механизаторлар суръатни оширмоқдалар

Бултур колхозда барча чигит экиладиган ерларнинг деярлик ҳаммаси кузда сифатли шудгор қилиб қўйилган эди.

— Шунинг учун ҳам, — дейди бригадир Ўртоқ Мўминбек Жуманов, — ҳосилимиз чакки бўлмади. Йиғим-теримни ҳам гоят уюшқоқлик билан ўтказдик. Янги ернинг ҳар гектаридан 26 центнерга етказиб ҳосил кўтардик.

Сафарали Тўраев, Мирзадил Ҳамдамов сингари бригада бошлиқлари билан ҳам суҳбатлашсангиз, кузги шудгор мўл ҳосил гарови бўлганлигини таъкидлайдилар.

Ҳозирги кунда шудгорлаш авж олдириб юборилганлигининг сабаби ҳам ана шунда. Бу ишда юқорида айтилган бригадалар авангард бўлмоқдалар. Улар барча ишчи кучлари, транспорт воситаларидан унумли фойдаланиб шудгорлашни сифатли ўтказмоқдалар. Шу кунгача барча пахта майдонининг 783 гектари шудгор қилинди. Механизаторлардан Оқкўл Қодиров, Ҳабибулла Абдурахмонов, Биноли Обидов, Йўлдош Бойқўзиев сингари тракторчилар кунига 7—9 гектар ерни шудгор қилмоқдалар.

Лекин А. Имашев, С. Аширматов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда бу муҳим ишга етарли эътибор берилмаётир. Шуниси ачинарлики, буларда ўтган йили ҳам кузги шудгор плани бажарилмай ер баҳорда ҳайдалган эди. Бу бригадалар ўтган йилги аччиқ сабоқлардан хулоса чиқариб олмаганга ўхшайдилар. Бўлмаса ҳозирги ғанимат кунларни қўлдан бой бериб, шудгорлашни пайсалга солармидилар. Шунингдек, ариқ-зовурларни тозалаш, далага маҳаллий ўғит чиқариш ҳам суст.

Бундай қилиш ярамайди. Илғор бригадалардан ўрнак олиб, шудгорлашни кучайтириш керак.

М. ОЙДИНОВ.

Оққўрғон районидаги Тельман номли колхоз.

— Миришкор пахтакорларимизга янада серунум машиналар яратиб берамиз! — «Ташсельмаш» заводи коллективи ана шу шиор остида зўр уюшқоқлик билан меҳнат қилмоқда. Суратда: мастер И. Смирнов ва слесарь К. Баркетов ўртоқлар конвейердан чиққан машинани жўнатиш олдидан кўздан кечирмоқдалар.

В. Салов фотоси.

МЕХАНИЗАЦИЯНИНГ ХОСИЯТИ

Бу йил республикамиз пахтакорлари она-Ватанга олинган мажбуриятдагидан ҳам анча ортиқ пахта топшириб, катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Бу ишда комплекс механизациялашган бригадалар айниқса катта ҳисса қўшдилар. Боёвут районидаги Карл Маркс номли колхозда ўртоқ Эрмат Нурматов бошчилигида ташкил қилинган тракторталачилик бригадаси шундай бригадаларнинг биридир. Далада шудгорлаш қизғин. Бизни ўрта бўйли, зувваласи пишиқ бир йигит кутиб олди. Унинг кўксида Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси томонидан берилган олтин медаль порлаб турибди.

— Ҳорманг, Эрматжон, — мамнунлик билан ўша йигитга яқинлашди колхоз раиси Юсуфжон Хўжабеков. Кейин Эрматжон билан бизни таништирди. У илгари оддий тракторчи экан. Шу йилнинг бошида уни трактор-далачилик бригадасига бошлиқ қилиб тайинлашибди. Аввал янги бригадир, мен бу ишни удда қила оларманман, деб иккиланибди. Кейин бригада аъзолари билан биргаликда оз меҳнат сарф қилиб, мўл ҳосил етиштириш учун қизғин кураш қучоғига отилибди.

Бригадир билан анча суҳбатлашдик. Унинг бу йилги иш натижалари ҳақидаги гаплари бизни ўзига тортди. Ундан 140 гектар ердан қандай қилиб 45 центнердан ҳосил кўтарилганини сўрадик.

— Элдан ортиқ ишлаганимиз йўқ, — камтарлик билан деди Эрмат Нурматов, — ўзингизга маълум, бу йил ҳамма ерда механизациядан унумли фойдаланилди. Биз ҳам чигитни фақат квадрат-уялаб экдик. Ғўзани кетмон ишлатмай икки томонлама парвариш қилдик. Етиштирилган ҳосилнинг ярмига яқинини машина билан тердик.

— Ўзим юз тонна пахта тердим денг, — қўшимча қилди раис.

Суҳбат устига колхоз бошлангич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Саид Усмонов келиб қолди. У бизни бироз тинглагач ён дафтарчасини олди-да, механизациянинг хосияти ҳақида гапира кетди:

— Ўртоқ Нурматов камтарлик қилиб сизларга тўлиқ жавоб бермади. Аслида механизациядан фойдаланишнинг ўзигина етарли эмас. Бригада аъзолари Эрматжон бошчилигида механизациядан ишнинг кўзини билиб фойдаландилар. Ҳар бир трактор бир қарич ерга ҳам бефойда юрмади. Ҳамма иш ўз вақтида сифатли ўтказилди. Мана бу натижаларни қаранг, — ўртоқ Усмонов бир-бирига ёндош бўлган икки бригадада эришилган натижадар тўпланган графаларга бизнинг ҳам диққатимизни жалб қилди. — Ўртоқ Нурматов бригадасининг юки ўртоқ Рустамов бригадасидагига нисбатан салкам уч баравар оғир. Шундай бўлишига қарамай трактор-далачилик бригадасида ҳар бир центнер пахтани етиштириш учун 1,9 меҳнат, ўртоқ Рустамов бригадасида эса 5,3 меҳнат сарфланди. Икки бригада кўрган даромад ҳам бир-биридан тўбдан фарқ қилади. Буларнинг биринчисида ҳар гектар ердан 13 минг 500 сўм, иккинчисида эса 7 минг 400 сўмдан даромад олинди. Ўртоқ Нурматов бригадасида бир центнер пахтанинг таннархи 141, ўртоқ Рустамов бригадасида эса 230 сўмни ташкил қилди. Трактор-далачилик бригадасида ҳар бир киши ҳисобига 185 центнердан пахта тайёрланди. Бу ўртоқ Рустамов бригадасидаги кўрсаткичдан салкам беш баравар кўпдир.

— Гектар бошига 40 — 45 центнердан ҳосил кўтариш учун бутун йил давомида қаттиқ ишлаш керак, — бизнинг саволимизга жавоб берди бригадир, — бизда мўл ҳосил учун кураш ўтган йилнинг кузидан бошланган. Пахта майдонларимизни барвақт шудгорлаб қўйганмиз. Ҳаво бироз юмшаб, кўклам ҳиди келганида далага бутун бригада кўчиб чиқди. Яхши тайёрланган ерга чигит экиб, ернинг табиий намида уни қийғос ундириб олдик. Бундан кейинги ишларни қисқа бўлса ҳам ҳали айтувдим, — гапини тамомлади бригадир.

Кейин бундан буён пахтачилик ишларини комплекс механизациялаш хусусида гап кетди.

— Бу йил мен республикамизнинг донгдор механизаторлари Мелиқўзи Умурзоқов, Турсуной Охунова, Жавод Кўчиевлар сингари 200 тоннадан пахта теролмай арманда қолдим, — ачиниб гапирди Нурмат Эрматов. — Негаки, бизда ХВС — 1,2 маркали янги гигант машина йўқ эди.

— Келгуси йил режалари ҳақида бир-икки оғиз гапириб берсангиз? — сўрадик бригадирдан.

— Ҳозирдан 50 ни кўзлаяпмиз, — деди у. — Аммо бу ўнгай иш эмас. Мирзачўл шароитида ҳосилдорликни 50 центнерданга кўтариш деҳқончилик илмига тўла амал қилишни, йил бўйи тер тўкиб меҳнат қилишни талаб қилади. Биз буни яхши тушунамиз. Бироқ бошқа томондан бизга катта енгиллик бор. Бу — механизация.

Бригадир ана шу сўзларни айтиб, нариги картада гуррос солиб, ер ҳайдаётган тракторлар томонга қаради. Биз унинг шошилаётганини сездик. Негаки, бугун бригадада ҳамма пахта майдони тўла шудгорлаб бўлинади.

Н. РОМАНОВ.

Область районларида шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1959 йил 19 декабргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Шаҳарлар ва районларнинг номи	Топшириқнинг бажарилиши	Бир кунлик ўсиш	Шаҳарлар ва районларнинг номи	Топшириқнинг бажарилиши	Бир кунлик ўсиш
Оҳангарон	193	—	Бекобод	95,8	2,8
Бўстонлиқ	123,1	—	Оржоникидзе	95,5	0,5
Қорасув	109,3	—	Бўка	95,0	3,7
Юқори Чирчиқ	107,7	—	Сирдарё	86,6	1,2
Олмалиқ	105,4	—	Оққўрғон	86,0	2,4
Калинин	105,1	—	Янгийўл	81,0	1,8
Гулистон	100,2	0,2	Пискент	77,4	1,3
Ўрта Чирчиқ	99,0	2,2	Чиноз	74,0	2,8
Қуйи Чирчиқ	96,1	—	Янгиер	58,0	—
Боёвут	96,0	1,9			

Завод директори

(ОЧЕРК)

Мартен цехи. Металломлар юкланган вагонеткаларни қияликдан тортиб цехга олиб кирган кучли мотовоз оғир тин олиб пишқирар, қаттиқ пресслланган темир-терсаклар эса алланечук овоз чиқариб қирсилларди. Матовоз мартен печлари олдига келиб тўхтади. Улкан бинонинг у бошидан-бу бошига бетиним бориб келиб турган завалка машинаси вагонеткалардаги металлом солинган мулдаларни ўз хартумига кўтариб олиб, ундаги металл парчаларини ловуллаб ёнаётган печларнинг бирига агдарди. Унинг ёнидаги бошқа бир печдан катта тарнов орқали симобдай пастга оқиб тўшаётган пўлатнинг яллиғи ҳаяжонли ёруг бериб, бутун цехни тутиб кетди.

Бу ердаги ҳар бир иш процесси гоят ваққонлик, шижоат ва эҳтиёткорлик билан бажарилардики, улкан печлар ёнида энтиктирувчи иссиқликка бардош бериб ишлаётган азаматларнинг меҳнатини чинакам қаҳрамонлик деса бўлади.

Келишган қоматли жуссадор йигит пешонасидаги зангори кўзойнагини пастроқ тушириб қўйди-да, печлардан бирига яқинлашди. Унинг ичидан чиққан ва тобора авж олаётган қизғиш аланга кўз очиргани қўймас ва нафасни қайтаради. Темир парчалари аллақачон эриб, милт-милт қайнай бошлаган. Мастер ёрдамчиси ўзини сал орқароққа ташлаб туриб, кичкина тешиклан печ ичига назар соларкан, навбатдаги пўлат ҳам ҳа демай етилажагига ишонч ҳосил қилди. Бу йигит смена мастерининг ёрдамчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳафиз Ғаниев эди.

Шу пайт цехга завод директори Иброҳим Муҳамедов кириб келди. У аввало ён-теварагига диққат билан разм солиб, ишнинг боришини бир нафас кузатди. Сўнгра мастер ёрдамчиси ёнига бориб, унинг қулоғига алланималар деди. У, маъқул ишорасини билдириб, бош қимирлатиб қўйди.

Иккинчи сменада иш бошланишига ярим соат чамаси вақт қолган. Диспетчер хонасида смена бошлиғи Анвар Аббосов ишчилар билан суҳбатлашиб ўтирибди. Биринчи сменадаги ишлар билан танишиб бўлиб, бу ерга кирган директор Муҳамедов ўтирганлар билан кўришиб чиққандан кейин, одати бўйича ҳаманинг кайфияти, саломатликларини суриштирди. Мартенчилар кайфиятлари жойида эканини айтишди.

— Аслини суриштирганда, — деди Муҳамедов, ҳаммага маъноли кўз қирини ташлаб, — сизларни табриклагани келдим. Ҳали яқинда менга мартенчилар етти йиллиқнинг биринчи йили пўлат эритиш юзасидан олган мажбуриятларини бажаришди деб айтишди. Демак, ишнинг омади чакки эмас экан-да?

— Табриклаганингиз учун раҳмат, — деди смена бошлиғи, — ҳарҳолда ишимиз жойида, ёмон деб бўлмайди. Аммо бу ерда бошқа бир гап чиқиб қолди, шу тўғрида гаплашиб ўтирувдик.

— Хўш? — қизиқсиниб сўради директор.

— Йигитларимиз ҳалиям мўлжални тўғри ололмаган эканмиз, дейишяпти.

Иброҳим МУҲАМЕДОВ.

— Масалан?

— Масалан, шу кунгача ҳар ўн эритманинг саккизи жадал усул билан тайёрланди. Ҳозир аниқлашимизча, агар эритилаётган пўлатдан шлакни яхлит ҳолда ажратиб олиш усулини кенг қўлланганимизда, печь тубининг ҳар квадрат метридан олинадиган пўлат миқдори ортиб, ҳар эритманинг тўқкизини жадал усулда тайёрлаш мумкин экан. Шундай қилганимизда йиллик мажбуриятимизни биринчи ноябрда эмас, балки бундан бир ой илгари бажарган бўлардик.

— Мен ўртоқ Аббосов, — деди директор, — бу фикрингизга қўшиламан. Лекин айтингчи, нега буни аввалроқ пайқамадиларинг?

— Ахир тажриба кўрсатди-да.

— Тажриба деяпсизми? — директорнинг юзида муғомбирона табассум пайдо бўлди, — ҳалиям тажриба камлик қилаяпти денг. Эсингиздами, заводга янги келган кунингиз, шунгаям уч-тўрт йил бўлиб қолди шекилли?

— Ҳа, эсимда, буни қаранг-а, кун эмас, ой эмас, йилларнинг тез ўтиб кетишини.

Аббосов директор нима демоқчи бўлганига дарҳол тушунди-да, гапни чалғитишга уринди. Буни пайқаган директор ҳам бошқа ҳеч нима демадию, кулиб қўяқолди. Шу топда у, бу ёш инженернинг заводга дастлабки келган кунини эслади...

... Стол устига энгашгани ҳолда директорнинг танҳо ўзи аллақандай ишлар билан машғул бўлиб ўтирувди, бир маҳал кабинетга ёш ва хушқомат йигит кириб келди. У, йўл-йўл поянлоз устидан оҳиста юриб бориб, стол ёнига яқинлашган ҳам эди, директор илтифот кўрсатиб ўрнидан турди ва сўрашгали унга қўл узатди. Аввалига тортинчоқлик қилиб турган йигит бошлиқнинг ишорасидан кейингина креслога ўтирди.

— Келинг, хизмат? — директор унинг юзига қараб жавоб кутди.

Йигит завод кадрлар бўлимида бўлганини ва директорнинг ўзи билан ҳам гаплашмоқчи бўлиб атайлаб унинг ҳузурига кирганлигини айтди. Сўнгра ён чўнтагидан иккига букланган қоғозни олиб узатаркан, қайтиб жойига ўтирди. Директор аҳамият берган қиёфада қоғозга кўз югуртириб чиқди. Унинг ҳар бир ҳаракатини зимдан таъқиб этиб ўтирган йигитнинг миясидан бир зумда ҳар хил фикр ўтди: «Нима деркинлар? Келишга келибсиз, мана завод, сизга яраша бирор иш топилиб қолар деса-я! Унда нима бўлади?

— Жуда соз, — деди у, йигитга қараб, — бундан чиқди бирга ишлашар эканмиз-да?

— Ихтисосимга лойиқ иш топилса, бирга ишлашармиз деган ниятдаман.

— Нега топилмасин, топилади. Ёшсиз, илмингиз бор, тажриба орттирсангиз бас. Қани айтинг-чи, ўртоқ Аббосов пўлат эритувчи бўлиб ишлашга тобингиз қалай? — директор унга синовчан кўзлари билан тикилди.

Йигит ялт этиб суҳбатдошига қаради ва жавобсиз бирнафас ўйланиб қолди. Кутилмаганда берилган бундай сўроқ йигитнинг бошини гангитиб қўйган эди. Шу тобда унинг мизроби паст, аҳволи паришон кўринарди.

— Пўлат эритувчи бўлиб дедингизми? — йигит тааҳжубланган оҳангда сўради.

— Ҳа, мартен цехида ҳозирча оддий ишчи бўлиб ишлайсиз.

Аббосов эс-ҳушини йиғиб олгунча директор уни зимдан кузатаркан, «ёш-да, майли ҳовуридан тушиб қолар» деб ўйларди.

Ҳаёлатга чўмган йигит «нега бу ерга келдим экан» деган фикрни кўнглидан ўтказди. Афтидан, жуда ранжиган кўринарди. Негаки, у ишнинг бу хилда ўзгариб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. «Бу қандай деган гап бўлди. Ахир у металл институтини тамомлаган-ку! Яна Москвада-я! Олий маълумотли инженерлик дипломига эга бўлатуриб, пўлат эритувчи оддий ишчи бўлиб ишлайдими? Йўқ, бўлмаган гап» фикран такрорлади у.

Аббосов бир нуқтага тикилганича, хамон қимир этмасди. Аммо директор ундан жавоб кутарди.

— Қайдам, ўйлашиб кўрарман, — деди йигит чайналинқираб.

— Албатта ўйлашиб кўрганингиз яхши. — Бу гапни у «ихтиёр ўзингизда» дегандай бир тарзда айтди, — лекин мен сизга очигини айтсам, — деди директор сўзида давом этиб, — бирданига инженерликни уддалай олмайсиз. Чунки ҳозирги шароитда назарий жиҳатдан тахминлаб иш олиб бориб бўлмайди. Киши аввал етилиши керак. Ана шундагина мукаммал инженер бўлаоласи. Ишлаб чиқаришда қуруқ илм билан иш кўрсангиз, кўп қоқиласиз. Тўғри, илмингиз бор, лекин такрор айтаманки, тажриба керак сизга, тажриба. Ўзингиз ўйлаб кўринг, тажрибасиз қаергача борасиз. Тушунаяпман, сиз ҳарҳолда ўз истиқболингиз ҳақида ташвиш тортаяпсиз. Лекин истиқболингизга бир кўз билан эмас, ҳар иккала кўзингиз билан қарашингиз керак.

Орага андак жимжитлик чўкди. Директорнинг далилари олдида бош эккандай кўринса ҳам, йигит ҳамон лабини қимтиб жим турар ва билинар-билинмас бош чайқаб қўярди.

— Ҳа, бу иш дастлаб сизга анча қийин бўлса керак, — деди директор уни яна бир бор гапга кўндирмоқчи бўлиб, — ҳеч киси йўқ, кейинчалик кўникиб кетасиз. Ишингиз юришиб кетиб сиздан яхши инженер чиқишига аминман. Яна ўйлашиб кўринг.

Ёш инженер билан бўлаётган баҳсда, албатта ютиб чиқишига ишонарди у. Вазмин табиатли, тўғрироғи, огиркарвондек кўринса ҳам, ўзи қатъиятчи, тўғри сўз, чўрткесар бу кишининг кулиб турган мовий кўзларида чуқур ифода ва донолик билан бирга, меҳрибонлик ҳам бор эди. Унинг самимийлиги ва пок қалби шу пайтда йигитга ҳам ёқиб қолганди. «Сиз истиқболингиз ҳақида ташвиш тортманг, ишингиз юришиб кетишига аминман». Директорнинг бу сўзлари йигитда ҳали яқиндагина пайдо бўлган руҳий тушкунлик ва умидсизликнинг қолган-қутганларини ҳам даф қилиб юборган эди.

— Ўйлаб кўрдим, майли, сиз айтганча бўлсин.

— Мана, бу бошқа гап, — деди директор мамнун қиёфада. Йигит энди суҳбатдошига дадил тикилиб турарди. Директор унга маъноли жилмайди. Анвар Аббосовнинг юзи ҳам табассумдан ёришиб кетгандай бўлди. У тургали ўрнидан қўзғалаётиб, кўрсатган илтифоти ва маслаҳатлари учун бошлиққа миннатдорчилик билдирди-да, кабинетдан анча енгил тортиб чиқди.

Мана шундан буён тўрт йил чамаси вақт ўтди. Шу давр ичида у нечоғлик ўзгариб кетган! Яна икки сўзнинг бирида «тажриба» дейишини қаранг-а. Демак, уни смена бошлиғи қилиб тайинлашда хато кетмаган экан. Ишга астойдил берилиб кетгани ва оддий ишчиларнинг фикрига қулоқ солаётганидан хурсанд бўлди.

— Ҳеч киси йўқ, умуман олганда тўғри йўлдан бораяпсизлар, — деди Муҳамедов. — Лекин бир нарсани унутмаслик керак. Ҳозир сизлар эришган натижа яхши натижа бўлса ҳам бу муддат ҳар ҳолда ҳийла узоқ муддат. Партия талаб қилганидек бу муддатни янада қисқартиришимиз лозим. Ўртоқ Хрушчевнинг, — деди у сўзида давом этиб, — Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини очиш маросимида сўзлаган нутқини эсланглар. Ҳамма мартен печларининг ҳар бир квадрат-метр тубидан олинадиган пўлат кўпайтирилса, у ҳолда ортиқча маблағ сарфламасдан туриб қўшимча равишда йилига ҳозиргидан анча кўп пўлат олиш мумкин. Демак энг муҳими печ тубининг ҳар бир квадратметридан олинадиган пўлат миқдорини кўпайтиришда.

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

Чет эллларда

СОВЕТ КЕМАЛАРИ ЯПОНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ПХЕНЬЯН, 18 декабрь. (ТАСС). Пхеньян радиосининг хабар беришича, бугун кунинг биринчи ярмида иккита совет кемаси Чхончжиндан Нимгатуга жўнаб кетди. Бу кемалар Японияда яшаб турган Корея гражданларининг иккинчи партиясини Корея Халқ Демократик Республикасига олиб келади.

Вьетнам Демократик Республикаси Миллат Мажлисининг сессияси очилди

ХАНОЙ, 18 декабрь. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: бугун бу ерда Вьетнам Демократик Республикаси Миллат Мажлисининг 11-сессияси очилди.

Мажлисда Вьетнам Демократик Республикасининг президенти Хо Ши Мин Вьетнам Демократик Республикасининг янги конституцияси лойиҳаси тўғрисида доклад қилди.

Депутатлар Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлиси доимий комитетининг раиси Тон Дик Тхангнинг ана шу комитетнинг иши ҳақидаги ҳисоботини ҳам тингладилар.

Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлисининг XI сессияси ўзининг шундан кейинги ишида Вьетнам Демократик Республикаси янги конституциясининг лойиҳасини, сайлов қонунини, оила ва никоҳ тўғрисидаги қонунни муҳокама қилади ва ана шу ҳужжатларни қабул қилади, шунингдек ҳукуматнинг иши тўғрисидаги докладни тинглайди.

ЮҚСАК ДАРАЖАДАГИ БУЛАЖАК КЕНГАШГА ДОИР

ПАРИЖ, 18 декабрь. (ТАСС). Франс пресс агентлиги хабар беради: Ишончли манбадан олинган ахборотдан маълум бўлишича, Франция, Буюк Британия ва Қўшма Штатлар тўрт буюк давлатнинг юксак даражадаги кенгашини 25 апрелда чақиришни Совет Иттифоқига таклиф қилишни келишиб олганлар.

Осиё ва Африка мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлиги масалалари билан шуғулланадиган консультатив комитетнинг сессияси ёпилди

ДАМАШҚ, 18 декабрь. (ТАСС). Осиё ва Африка мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлиги масалалари билан шуғулланадиган консультатив комитетнинг иккинчи сессияси бу ерда ўз ишини тамомлади. Сессияда Осиё ва Африка мамлакатларининг навбатдаги иқтисодий конференцияси 1960 йил апрель ойида Қоҳирада чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Комитет иқтисодий ҳамкорлик қилиш Африка-Осиё ташкилотининг устави лойиҳасини маъқуллади ва ташкилотнинг бюджет лойиҳасини қабул қилди.

ЭЙЗЕНХАУЭР ПАРИЖГА КЕЛДИ

ПАРИЖ, 19 декабрь. (ТАСС). АҚШ президенти Эйзенхауэр бугун махсус поездда Тулондан Парижга келди. Бу ерда у Ғарб давлатлари ҳукумат бошлиқларининг кенгашида иштирок этади.

ФРЕЖЮСДА РУҒ БЕРГАН ҲАЛОКАТ ОҚИБАТЛАРИ

ПАРИЖ, 18 декабрь. (ТАСС). Франция ички ишлар министрлигининг эълон қилишича, Фрежюсда рўй берган ҳалокат (тўғоннинг ўпирилиши ва Фрежюс шаҳрини сув босиши) натижасида 306 киши ҳалок бўлган ва 106 киши бедарак йўқолган.

Телеграф хабар қилади

◆ Совет олимлари — СССР Фанлар академияси математика институтининг директори И. М. Виноградов, академик А. П. Виноградов, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Н. Н. Рикалин, СССР Медицина фанлари академиясининг президенти А. Н. Бакулев, академик В. В. Виноградов ва СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси В. П. Лазарев Белграддаги Сербия фанлар академиясининг аъзолари қилиб сайландилар.

◆ Мадорасда ёзувчиларнинг 3-Умум Ҳиндистон конференцияси очилди. Бу конференцияда СССР, Чехословакия, Вьетнам Демократик Республикаси ва Қўшма Штатлар ёзувчиларининг делегациялари меҳмон сифатида қатнашмоқдалар. Конференция Ҳиндистон адабиётидаги ҳозирги замон йўналишлари тўғрисидаги ва бадиий адабиётнинг ҳинд формаси эволюцияси ҳақидаги масалани муҳокама қилади.

◆ Болгария телеграф агентлигининг хабар беришича, машҳур болгар ҳайкалтароши, халқ рассоми профессор Андрей Николаев ўз ҳаётининг саксон биринчи йилида вафот этган.

◆ «Франция — СССР» уюшмасининг таклифига мувофиқ чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Совет жамиятлари союзи делегацияси Парижга келди. Союз президиуми раисининг ўринбосари В. И. Горшков делегацияга бошчилик қилмоқда. Делегация «Франция — СССР» уюшмасининг 15 йиллигини байрам қилишда қатнашади.

Туризм-альпинизм секцияси

Спортнинг энг қизиқарли тури ҳисобланган туризм-альпинизм Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти студентларининг севимли машғулотларидан бирига айланиб қолди. Бундан 2 йил муқаддам ташкил этилган туризм-альпинизм секциясига кўпгина студент аъзо бўлган. Ўтган ана шу давр ичида секциянинг 14 актив аъзоси «СССР альпинисти» значоги олишга муваффақ бўлди. 60 студент эса туристик походларда алоҳида намуна кўрсатгани учун «СССР туристи» значоги билан тақдирланди. Ҳозир секция ўзининг 8 разрядли спортчисига эга. 15 студент жамоатчи инструктор бўлиб етишди.

Секция ҳар шанба ва якшанба кундарида тоғли районларга походлар уюштирмоқда. География факультети спортчиларининг секция машғулотлари айниқса қизиқарли ўтаётир. Улар уюштирилаётган походлар давомида ўлкамизнинг географияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, геологияси, ер усти тузилиши билан танишиб, топографиядан олган билимларини амалда мустаҳкамлаб бормоқдалар.

Туризм-альпинизм секцияси машғулотлари студентларга ўлкамизни чуқур ўрганиш имконини бермоқда.

А. АКБАРОВ.

Кончиларнинг меҳнат жамғармалари

Оҳангарон омонат кассаларига ўз меҳнат жамғармаларидан маблағ қўювчи кишилар сони кун сайин ортиб бормоқда. Ўтган йили марказий омонат кассага 11 минг 380 киши маблағ қўйган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 14 минг кишига етди.

Ҳозир омонат кассада сақланаётган пул 22,5 миллион сўмни ташкил этади. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 миллион сўм кўплир.

9-шахтада ишловчи 500 га яқин кончи ойлик иш ҳақларидан бир қисмини бухгалтерия орқали кассага ўтказаётир. Булардан ўрнак олиб кўмир разрези ва ГРЭСнинг ишчи ва хизматчилари ҳам ўзларида шундай усулни жорий этдилар.

Ф. ПЕТРОВ.

Тошкентдаги КГБ клуби ҳузуридаги драма тўгараги ҳаваскорлари Фридрих Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» трагедиясини тайёрлаб, саҳнага қўйдилар. Суратда: спектаклдан бир кўриниш.

С. Аҳмедов фотоси.

Янги йил арчаси

Суратда: шаҳар ярмаркасида арча сотиш пайти.

В. Салов фотоси.

Янги йилни яшил арча атрофида кутиш традицияга айланиб қолган. Шу кунларда ҳар бир ҳонадонда, ҳар бир оилада арча келтириб, уни безатиш тараддуди бор. Шунинг учун ҳам шаҳарда арча ва арча безаклари билан савдо қилиш авжида.

Тошкент «Лесстройторг»и аҳолига тарқатиш учун узоқ Сибирнинг Иркутск шаҳри ва Красноярск ўлкасидан 140 вагон арча келтирди. Буларнинг ярмиси пойтахтимизнинг савдо пунктларига, мактабларга, боғчаларга ва йирик ташкилотларга тарқатилди. Арчалар шаҳарнинг ҳамма районларида сотида бошланди. Арча билан савдо қилиш учун 20 га яқин махсус пункт ташкил қилинди. Куйбишев номли, Кировоқ номли, Бируний номли, театр, вокзал олди, Комсомол майдонлари, Революция скверида, Чиланзор ва Шайхантовурдаги пунктлардан аҳоли кўплаб арча сотиб олмоқда. Рангба-ранг арча безаклари эса пойтахтимизнинг йирик магазинларида, болалар ўйинчоқлари магазинларида сотилмоқда.

С. МУСАЕВ.

ЭҲТИЁТ БЎЛГАН ЯХШИ

Бу йил Тошкентда қиш ўзгачароқ бошланди. Қор жуда қалин тушиб, кўчалар, дарахтлар, ҳовлилар, майдонлар оппоқ чойшабга бурканди. Бундан айниқса болалар хурсанд, қувончлари ичига сиғмайди. Коньки ва ченаларда тинним йўқ. Фақат лижачиларни ғўрмайсиз, афтидан улар бу йил бунчалар қалин қор тушишини ҳаёлларига келтирмаган бўлсалар керак. Дарвоқи, магазинларда ҳам лижанинг ўзи йўқ-ку.

Эрта билан туриб ишга ва ўқишга кетаётган ҳар кимса кўчага чиққач ўзини тетик ҳис қилади: чангсиз тоза ҳаво, ҳаммаёқ озода. Енгилгина совуқ юзларни лоларанга киргазади, кишида ишга, ўқишга ғайрат қўзғатади.

Қишнинг ана шу яхши хислатлари билан бирга айрим кўнгилсиз воқеалар ҳам рўй бермоқда. Тротуарлар ва кўчаларнинг ўтиш жойлари сирпанчиқ бўлиб транспорт ва йўловчилар қатновини қийинлаштирмоқда.

Кўчанинг қоқ ўртасида йўловчининг пайдо бўлиб қолиши автомобиль ёки троллейбус ҳайдовчисини шошириб қўяди. Бундай пайтларда анча узоқдан машинани тормозлаб келишга мажбур бўлинади. Баъзан тормозланган машина ченадек сирпаниб кетаверади. Ёки автомобиль тепаликка чиқиб кетаётганида олдида бир бепарво йўловчининг пайдо бўлиши машинани тўхташга мажбур қилади. Тўхтаган машина эса кейин юролмай ғилдираги бир ерда айланаверибми, кўчада қатновни тўхтаб қолишига сабаб бўлади. Бундай ҳоллларда баъзан кўнгилсиз ҳодисалар ҳам рўй бериши мумкин. Йўловчилар буни эсдан чиқармасликлари зарур.

Айниқса, болаларнинг тротуар ва кўчаларда коньки ва чена учиб юришлари хавфлидир. Муюлишларда машина ёки троллейбус тезликни пасайтириб иккинчи кўчага бурилишга мажбур бўлади. Ана шунда айрим назоратсиз юрган болалар гурпайлашиб машина ёки троллейбус орқасига ёпишиб олиб сирпанчиқ отадилар. Ёки бўлмаса кўча тарафга қия бўлган тепаликлардан болалар ченада учадилар. Болаларнинг бу шўхликлари биринчидан транспорт ҳаракатини кийинлаштирса, иккинчидан уларнинг ҳаётини хавф остида қолдиради. Буни тасаввур қилиш учун бир мисол келтирамиз: 12 декабрь куни 81-мактабнинг 2 синф ўқувчиси М. деган қиз Уйғур кўчасининг ўртасида сирпанчиқ отиб кетаётганида енгил автомашина уни уриб кетган. Ҳозир у болалар хирургияси клиникасида даволанмоқда.

Ота-оналар, ўқитувчилар, умуман шаҳримизнинг ҳар бир граждани кўча-кўйларда бебош ўйнаб юрган болаларни ҳар қадамда тартибга чақиришлари, уларга танбиҳ бериб қўйишлари керак. Чунки болалар томонидан кўча ҳаракати қондаларини бузиш кўпинча бахтсиз ҳодисалар рўй беришига сабабчи бўлади.

Болалар қорда ўйнашни, коньки ва чена учишни яхши кўрадилар. Бу биринчидан уларнинг вақтини чоғ қилса, иккинчидан чиниқтиради, саломатликни мустаҳкамлайди. Шуни ҳисобга олиб Тошкент шаҳар ижроия комитети коньки, чена ва лижаларда учиш учун шаҳардаги ҳамма маданият ва истироҳат боғларини, стадионлар ва айрим транспорт қатнамайдиган кўчаларни қишда фойдаланиш учун болалар ихтиёрига бериб қўйишга қарор қилди. Бу махсус жойларда эрталабдан кеч соат 10 гача болалар истаганча ўйнашлари мумкин. Коньки, чена учиш ва бошқа оммавий ўйинларга актив комсомоллар, халқ дружиначиларининг аъзолари раҳбарлик қиладилар.

Ота-оналар! Болаларнинг тротуарлар ва транспорт қатнайдиган кўчаларда ўйнашига йўл қўйманг. Ўз болаларингиз ҳаётини эҳтиёт қилинг! Қанча эҳтиёт бўлсак, кўнгилсиз воқеалар шунча кам бўлади.

В. ИЛЬИЧЕВ.

Тошкент шаҳар милиция бошқармаси давлат автомобиль инспекциясининг бошлиғи.

Завод директори

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА).

Бу ерда донгдор пўлат эритувчи Шерали Ҳамроқулов ҳам ўтирибди. Бақувват гавдали, юзида жасорат акс этиб турган бу йигит ўнбир ой ичида 900 тонна кўп пўлат эритган. Директор уни пўлатни графикда кўрсатилган муддатдан илгари эритганлиги билан чин юракдан табриклади. Сменанинг бу ерда ўтирган Манноб Мирзаматов, Сергей Зверов, Ҳожимурод Ҳайдаров каби нормадан ташқари бир неча юз тонналаб металл берган новаторларига завод дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари номидан ташаккур билдирди.

Иккинчи смена бошланди. Иш боғисидай қизғин борянди. Муҳамедов дим бўлиб кетган цех ўртасида туриб олиб, мартенчиларнинг алангадан ялтираган юзлари ва бризент қўлқоп кийган қўл ҳаракатларини диққат билан кузатарди. Бу ердаги темир-терсакларнинг гала-говури ва қизғин меҳнат суратидан завқланган бошлиқ рўмолчаси билан юзидаги терни артди-да прокат цехига ўтиб кетди.

Куни бўйи цехларда бўлиб, тиниб-тинчимаган бу одам ҳориб-чарчаб кечқурун уйга қайтди.

Сокин кеча. Ташқарида олтин кузнинг кишига аллақандай ҳузур бағишловчи ёқимли ҳиди анқиб турарди. Тўлишган ой кўкда сузиб юрган кумранг булут парчалари орасидан ора-сира ҳира мўраларди. Вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамасдан ўз иш кабинетида мутоалага берилиб ўтирган директор Муҳамедов китобдан бошини кўтарди-да, бир нуқтага ўйчан тикилди. Турқи қорачадан келган, фақат сочининг икки чаккасигагина оқ тушган миқти гавдали барваста келган бу кишининг жозибали чеҳраси айниқса жазб этувчандир. Шу тонда унинг кўз ўнгида ёшлиги — болалар уйида тарбияланган йиллари, Қўқон билим юртини тамомлаб, ўқитувчилик қилгани, студентлик чоқлари, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтини битиргач, Октябрь революцияси номли заводда дастлаб старший мастер, кейинчалик инженер-механик, 1942 йилдан 1947 йилгача совет армияси сафида бўлгани, ҳарбий хизматдан бўшаб қайтгач, партия, совет органларида раҳбарлик лавозимларида ишлагани, ниҳоят Бекобод металлургия заводига директор бўлиб келган йили ва ундан кейинги бошдан кечирганлари гавдаланди.

Қачон келган эди у бу ерга? 1949 йилда эди шекилли. Дарвоқе, ўн йил ўтиб кетдими шунга! Ҳа, ўн йил шонли саҳифаларни тўлдириб, мазмундор кунлар ва ажойиб якунларнинг жонли шоҳиди бўлиб ўтиб кетди.

У шаҳарчага келган биринчи кунларини куни кеча бўлгандай аниқ ва равшан хотирлади. «Иш анча оғир бўлса керак» деб ўйлаган эди у ўша кезларда. Эндигина қурилаётган металлурглар шаҳарчасининг у ер бу ерида кўтарма кранлар ва сим арқонларгина кўзга ташланарди. «Нима қилиш керак?» Бу ердаги вазиятнинг мушкуллигини кўргач, иккиланишга андиша қилди. Ўзига нисбатан катта ҳурмат ва ишончга яраша астойдил хизмат қилиш қалбининг чуқур ерида чўғ олиб ётган бу киши ҳар қандай мушкулотларни бартараф қилишга тўғри келса ҳам ўз шахсий халоватидан воз кечишга тайёр эди. У ўз орқасида катта куч турганлигини чуқур ҳис қилди-да, кутилмаган жўшқин кайфият билан ишга берилиб кетди. Шаҳарча қурилиши, заводдаги улкан ва мураккаб ишлар директорни ҳужум олдидан жанг операциясига чаққонлик билан ҳозирланаётган командирга ўхшатиб қўйган эди. Завод ва ундаги кишиларнинг ой ёки йил сайин эмас, балки кун сайин юксалаётгани, қизғин меҳнат жараёнининг сезилари кучи билан авж олиб бораётгани унга олам-олам ҳузур бағишларди.

Бир вақтлар бўм-бўш бўлиб ётган тақир бир жойда ҳозир ёш, новқирон металлургия шаҳарчаси, улкан бир корхона бутун салобати билан қад кўтариб турибди. Бу ерда нималар йўқ дейсиз. Ўз ёритиш ва иситиш тармоқлари, телефони, радиосигу, ҳаммоми, кутубхонасига, алоқа бўлими, стадиони ва ҳашаматли маданият саройига, амбулатория, касалхонасига, аптека, магазин ва меҳмонхонасига, мактаби, яслиси ва боғчаларига эга бўлган обод ва ҳамма нарсаси мукаммал шаҳар бунёдга келган. Бу ерда олижаноб бир мақсадга интилиб, социалистик саноатнинг янгидан-янги гигантларига мустаҳкам асос солаётган фидокор кишилар, бутун бир улкан коллектив яшамоқда ва меҳнат қилмоқда.

Унинг миясн шундай хаёллар билан банд экан, чарчоқлик акс этган кўзлари анча тетиклашди ва чеҳраси очилиб кетгандай бўлди. Нега? Ахир у директорлик қилаётган завод бутун республиканинг уриб турган юрагиқу!

Кўкрагини Ленин, Қизил Байроқ орденлари, қўша-қўша медаллар безаб турган ва ҳамманинг самимий ҳурматига сазовор бўлган бу киши шаҳар ва область Советининг депутати ҳамдир. У сўнг дафъа кеча яқиндагина 50 ёшга тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланганлигини эсларкан, ўзида навқирон бардамлик ва жўшқин ғайрат ҳис этди.

Муҳамедов ўтирган жойида қулочини кенг ёзди-да керишди ва ўрнидан туриб, хонанинг шарқи-шимолий томонидаги деразаси ёнига борди. Оч ҳаворанг пардани икки ёнига суриб қўйиб, сўнг деразани очди. У ташқаридан кирган тоза ҳавони ютиб, енгил сўлиш олди ва ажиб бир нарсага дуч келгандай бу ердан туриб, узоқларга тикилди. Бино ва майдонларда чироқлар рангба-ранг тоғланиб, ажойиб бир манзарани вужудга келтирган. Бу ердан бутун шаҳар ва пўлат тоблаётган улкан бир корхонанинг улуғвор сиймоси намоён бўларди.

А. ШЕРМУҲАМЕДОВ.

Ғолиблар аниқланди

Фарғона шаҳрида «Буревестник» спорт жамияти Ўзбекистон Совети биринчилиги учун акробатика бўйича мусобақа ўтказилди. Мусобақада Ўзбекистон физкультура институтидан 30 спортчи ва Фарғона, Андижон педагогика институтлари студентлари қатнашдилар. Умумкоманда ҳисобида тошкентлик акробатлар биринчи ўринни эгалладилар. Шахсий биринчиликка учун курашда тошкентликлардан Р. Исянов биринчи, Р. Ҳасанов иккинчи ва Ю. Ирисметов учинчи ўринни эгалладилар. Хотин-қизлар орасида физкультура институтининг III курс студенти Рима Воронцова ғолиб чиқди.

Мусобақа тамом бўлгач, СССР спорт мастерлари М. Тожиев ва Д. Костин ўз акробатика саньаталарини намойиш қилиб кўрсатдилар.

• • •

Гимнастикачиларимиз муваффақияти

Совет Латвиясининг пойтахти Ригада «Динамо» кўнгилли спорт жамиятининг шахсий команда биринчилиги учун мусобақалар бўлиб ўтди. Мусобақаларда барча иттифоқчи республикалар ва Москва, Ленинград шаҳарлари командалари қатнашди. Бунда Ўзбекистон спортчилари катта муваффақиятга эришдилар. Республикамиз гимнастикачиларидан И. Колотилова 73,46 балл олиб, спорт мастери нормасини ошириб бажарди. 16 ёшлик спортчи С. Диомидов эса биринчи разрядликлар ўртасида иккинчи ўринни эгаллади. Тошкентлик врач-хирург В. Девятов ҳам спорт мастери нормасини бажариб, 10 та энг кучли гимнастикачилар сафига кирди. Гимнастикачиларимиз командаларарo фахрли 5-ўринни эгалладилар.

Л. ПЬЯНЦЕВ.

Бирйўла 17 тахтада

Тошкент давлат педагогика институти физика-математика факультетининг IV курс студенти, биринчи разрядли шахматчи Иброҳим Аширматов яқинда бирйўла 17 тахтада сеанс берди. Бунга иккинчи, учинчи разрядли шахматчилардан ташқари, ҳаваскор шахматчилар ҳам қатнашдилар. Аширматов ўйинларнинг иккитасини дуранг қилди, иккитасини ютқазди, қолганларида ғалаба қилди.

И. Аширматов институтда актив жамоатчи спортчи ҳисобланади. У, ўз маҳоратини ошириш билан бирга физика-математика факультетининг шахмат секциясига раҳбарлик ҳам қилади.

К. ПАРДАБОЕВ.

ЎРТОҚМОК

ОЙНИСА ҚИССАСИ

Оққўрғон районидаги Карл Маркс номли мактабнинг ўқитувчилари, маъмурияти Ойнисадан жуда қўрқиб қолишган. Бирови қаттиқроқ йўталиб қўйса ёки Ойнисага ўз вақтида салом беришга улгирмаса бас, Маориф министрлигига «фалончи бюрократ, тарбия ишларига мутлақо яроқсиз» деган мазмундаги имзосиз шикоятлар ёғилиб кетади.

Ойниса иғвогарлиги туфайли ўз ёстиқдоши, ўқитувчи Тоҳировга ҳам тинчлик бермади. Эл олдида шарманда-ю-шармисор қилди. Оқибат бир куни:

— Жанжаллашсам, тарафимни олмайсан, сен ҳам эр бўлдингми, йўқол уйдан, — дея унинг «жавобини» бериб юборди ва қайтиб уйга киритмади. Ёш оиланинг бузилиши яхши эмас эди, албатта. Шунинг учун ишга маориф мудири Тошпўлатов аралашмоқчи бўлган эди, жанжалкаш Ойниса:

— Айб мендами? — деб сўради икки қўлини биқинига қўйиб.

— Шокирхўжа ҳаммомга сочиқсиз кириб кетяпти?
— Билмайсанми, у доим сувдан қуруқ чиқади-ку!

— Сизда, сизда сингил, — деди мудир, ётиги билан.

— Сиз ҳали менинг совунимга кир ювмабсиз, айб қимдалигини сизга кўрсатиб қўяман.

Ўша куни Ойниса мудир билан қиёмат урушди ва эртасига Маориф министрлигига «Тошпўлатов ўтакетган бюрократ, хотин-қизларга бойфеодалларча муносабатда бўлади, чунончи менинг 1958 йилги отпуска ҳақимни берган эмас» деб шикоят ёзиб юборди.

Ана шундан сўнг текширишлар, оворагарчиликлар, ходимларнинг фойдасиз борди-келдилари бошланди. Оқибат шу бўлдики, Ойниса Аҳмедованинг 1958 йил учун 852 сўм 48 тийин отпуска ҳақи олганлиги ҳаммага маълум бўлди. Демак, ўқитувчи Ойниса иғво қилган. Лекин Ойниса яна бўш келмади ва Маориф министрлигига яна шикоят ёзди. Яна текширишлар, ортиқча борди-келдилар бошланди. Навбатдаги иғво ҳам фош бўла бошлаганини сезган Ойниса «Тошпўлатов хотин-қизларнинг илм олишига зўр тўсқинлик қилиб келмоқда, чунончи мени сиртдан ўқишимга ҳалақит бераяпти» деб яна аллақандай ташкилотларга ёзиб юборди. Бошқа ташкилотлардан ва министрликлардан келган вакиллар ҳам Ойниса Аҳмедованинг туҳматчи эканлигини аниқладилар.

Шу кунларда Ойниса янги иғво ҳақида ўйлаб юрибди. Ҳозирча ким ҳақида ва қайси ташкилотга ёзишни ҳали қилгани йўқ. Лекин ҳал бўлса билингки, яна ўнлаб кишилар ўринсиз вақт сарфлайдилар. Овора бўладилар. Ойнисанинг қиссаси ана шунақа. Унинг ножўя ҳаракатларини ким текширади?

Ҳ. УЗОҚОВ.

— Овқатингизнинг иккинчисига нима келтирай?
— «Шикоят» дафтари»ни!

Расмларни А. Холиқов чизган.

Ўртоқ Ўролов нутқидан

«... Шундай қилиб қадрли ўртоқлар, сизларнинг учинчи участкангиздаги радиоточкаларнинг бутунлай ишламай қолишига, концерт ва кундалик янгиликлардан маҳрум бўлиб қолишларингизга колхоз партия ташкилотининг секретари сифатида қисман мен ҳам айбдорман. Эсларингда бордир, бундан 9 ой муқаддам радио симлари тортилган симёғочлардан икки донасини сув оқизиб кетган эди.

Тўғри, ана ўшанда биз ҳушёрликни қўлдан бой бериб, ёғочларнинг оқиб кетишига йўл қўйган эдик. Бунинг учун бизни, айниқса менинг ўзимни ҳар қанча танқид қилсанглар ҳам оз. Лекин гап бунда эмас, ўртоқлар. Гап шундаки, ундан кейин ҳам биз бепарволик қайфиятидан қутила олмадик. Радио симларини похол бойлаш баҳонаси билан ўзимиз талон-торож қилдик. Симёғочларни эса ҳашарчиларга ўтин ўрнида ёқишга рухсат бериб юбордик. Йўқ ўртоқлар, бунга асло тоқат қилиб бўлмайди. Бизни танқид қилинглар, қилмишларимизни фош қилиб ташланглар. Менинг ўзим ҳам аввалги сўзлаган нутқларимда ва тегишли ташкилотларга ёзган ёзишмаларимда бу аҳволларни зўр бериб танқид қилиб келдим ва яна танқид қилмоқдаман.

Сизларни астойдил ишонтириб айтаманки, радио точкалари ишламагунча мен ўзимни-ўзим танқид қилавераман. Чунки бу ишда қисман менинг ўзим ҳам айбдорман...»

Нутқни **Б. ТУРОНОВ** ёзиб олган.

Оққўрғон район, «Октябрь 40 йиллиги» колхози.

СУТ ВА ШИША

Ўртоқ гўдаклар, она кўксини эмиш сиз бўлажак гражданлар учун ҳам фарз, ҳам қарз. Чунки ёшлигида тўйиб сут ичган бола соғлом бўлади. Агар оналарингиз сути камлик қилаётган бўлса марҳамат қилиб истаган докторингизга учрашинг ва:

— Менга қўшимча сут керак, — деб тўппа-тўғри айтинг. Борди-ю, ҳали тилингиз чиқмаган бўлса, унда ариза орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Болалар консультациялари ва аптекаларда сиз севимли чақалоқлар учун махсус тайёрланган сутлар тўлиб ётибди. Бизнинг ажойиб докторларимиз бор. Ана ўшалар «фалон гражданга фалон миқдорда фалон муддатгача сут бериб турилсин» деб қоғоз ёзиб берадилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳурматли гўдаклар, сизлар бизнинг докторимизни шиша масаласида бошларини қотириб ўтирманглар. Шиша йўқ, эҳтимол бўлмас ҳам. Шунинг учун сутни ўзларинг келиб ичиб кетаверинглар, ёки шиша жуда зарур бўлса, тўппа-тўғри Қорасарой бозорига бориб чайқовдан изланглар. Нархи арзон, 2 сўмлик шиша олсангиз 60 тийинлик сут бемалол сиғади.

Такрор айтамиз, шиша масаласи чатоқ. Бир вақт келиб, катта йигит ва қизлар бўлиб қолганларингдан сўнг бизни айблаб юрманглар деб аввалдан узур айтиб қўймоқчимиз. Чунончи, шиша масаласи билан шуғулланганимиз аввалгамбор вақтимиз йўқ. Қолаверса сизларнинг ҳурматли амакингиз, бизнинг ишчан бошлиғимиз Шомирзаевнинг фикрича, биз тегишли ташкилотлар билан алоқа боғлаб шиша масаласини ҳал қилгуча сизлар улғайиб, эҳтимол бутилкада сут ичадиган бўлиб қолларсизлар. Ана ундан сўнг биз келтирган 200 граммлик шишалар яроқсиз бўлиб қолиши мумкин.

Хуллас, шиша масаласини ўзларинг мустақил равишда ҳал қилаверинглар.

Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими.

ОБ-ҲАВО МАЎЛУМОТИ

Бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво ўзгариб туриши, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Температура 0 даража атрофида бўлади.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

Телевизор экранида

20 ДЕКАБРДА

12.00. Рус тилида «Маданият университети» деган эшиттириш.

13.00. Киноочерк — «Меҳнатдаги дўстлик».

19.00. «Совет Ўзбекистони хотин-қизлари» телевизион журнали.

20.00. Илмий-оммабоп фильм — «Ичиликнинг оқибати».

20.10. Сўнгги ахборот.

20.30. Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари.

20.55. Фильм-спектакль — «Растеряев кўчаси» (2-серияси).

21 ДЕКАБРДА

19.30. Ёшлар учун рус тилида «Гул шохи» деган эшиттириш.

20.20. Ўзбек тилида «КПСС Марказий Комитети Пленумига меҳнат совғалари» деган эшиттириш.

20.40 Сўнгги ахборот.

21.00. Ўзбек тилида ҳужжатли фильм — «Олға бос етти йиллик».

22.00. Совет композиторлари асарларидан концерт.

БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети депутатларга маълум қиладики, шу йил 23 декабрь эрта билан соат 11 да Ўзбекистон давлат эстрада театрининг биносида область Советининг еттинчи чақириқ бешинчи сессияси очилади.

Депутатлар шу куни эрта билан соат 10 дан бошлаб рўйхатга олинади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОЙЯ КОМИТЕТИ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/XII да **Алишер Навоий**, 22/XII да **Қодир**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА 20/XII да кундуз **Оқ ўқ**, кечқурун **Риголетто**, 22/XII да **Чо-Чо-Сан**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/XII да кундуз ва кечқурун **Ошиқ Ғариб**, 21/XII да **Фарғона ҳикояси**.

«ВАТАН» — эрталаб соат 10, 11-40 минут, кеч 8 ярим ва 10-20 минутда кенг экранли рангли бадиий фильм **Одам—рикша**, кундуз 1-20 минут, 3, кеч 5 ва 7 да **Кольцов ҳақида қўшиқ**.

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 10-20 минут, 11-50 минут ва кундуз 3-40 минутда **Сизга ёзаман...**, кундуз 1-20 минут, кеч 5-20 минут, 7-40 минут ва 10 да **Биз—халқмиз**.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Юқори табақага кириш йўли**.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — эрталаб соат 10 ва кеч 5 да **Арафа**, кундуз 12 ва кеч 10-10 минутда **Шу дунёнинг зўравонлари**, кундуз 2, 3 ярим, кеч 7 ва 8-40 минутда **Кольцов ҳақида қўшиқ**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Сизга ёзаман**.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — эрталаб соат 11, кеч 5 ва 7 да **Кольцов ҳақида қўшиқ**, кундуз 1 ва кеч 9 да **Арафа**, кундуз 3 ва кеч 10 яримда **Узоқ сохилларда**.

«СПУТНИК» — кундуз ва кечқурун **Кольцов ҳақида қўшиқ**, кундуз соат 1 ярим, 3 ярим ва кеч 7 яримда **Она меҳри**.

КОММУНА УЙИ — кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да **Еш тегирмончи**, кундуз 2, кеч 6 ва 10 да **Узилмаган қарз**.

КИНОЛЕКТОРИЙ — кундуз соат 12, 1-40 минут, 3, 4-40 минут ва кеч 9 да **Сукунат оламида**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
21 декабрда
КОНЦЕРТ
Концертда: СССР халқ артистлари, Сталин мукофоти лауреатлари **Ҳалима Носирова, Мукаррама Тўғрибоева**, СССР халқ артисти **Саодат Қобилова**, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Галия Измайлова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Карим Зокиров, Саттор Ярашев, Насим Ҳошимов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Ксения Давидова, Жамол Низомхўжаев, Михаил Давидов, Ҳалима Комилова, Клара Юсупова** ва театр солистлари қатнашади.
Концерт кеч соат 8 да бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида
1 январдан 10 январгача
А Р Ч А
„Айиқлар кўргани борамиз“
Энг йирик совет аттракциони
„Айиқлар цирки“
иштирокида
КАТТА БАЙРАМ ТАМОШАЛАРИ
Тамошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.
Сағбон кўчаси, Янгиш-проезд, 3-тупик, 19-уйда турувчи **Зокир Еқубовнинг** 1-Чимбой кўчаси, 1-уйда турувчи Ҳакима Раҳмова (Еқубова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 2-участка халқ судида кўрилади.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 10582. Нашр. Б-1017.